

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ  
ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017 Fil.19.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ  
КЕНГАШ**

---

**ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

**ЖУМАНАЗАРОВА ГУЛЖАҲОН УМУРЗОҚОВНА**

**ФОЗИЛ ЙЎЛДОШ ЎҒЛИ ДОСТОНЛАРИ ТИЛИНИНГ  
ЛИНГВОПОЭТИКАСИ**  
(лексик-семантик, лингвостилистик ва лингвостатистик таҳлил)

**10.00.01 – Ўзбек тили**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2017**

**Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации**

**Content of the abstract of doctoral (DSc) dissertation**

**Жуманазарова Гулжаҳон Умурзақовна**

Фозил Йўлдош ўғли дostonлари тилининг лингвопоэтикаси

(лексик-семантик, лингвостилистик ва лингвостатистик таҳлил)..... 3

**Жуманазарова Гулжаҳон Умурзақовна**

Лингвопоэтика тилининг дастанлари Фазил Юлдаш оғли (лексико-семантический, лингвостилистический и лингвостатистический анализ)..... 33

**Jumanazarova Guljahon Umurzakovna**

Linguopoetics of the language of epic poems of Fazil Yuldash ugli

(lexical and semantic, linguostylistical and linguostatistical analyze)..... 63

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 70

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ  
ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017 Fil.19.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ  
КЕНГАШ**

---

**ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

**ЖУМАНАЗАРОВА ГУЛЖАҲОН УМУРЗОҚОВНА**

**ФОЗИЛ ЙЎЛДОШ ЎҒЛИ ДОСТОНЛАРИ ТИЛИНИНГ  
ЛИНГВОПОЭТИКАСИ**  
(лексик-семантик, лингвостилистик ва лингвостатистик таҳлил)

**10.00.01 – Ўзбек тили**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSC)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2017**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1.DSc/Fil1 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Абдулла Қодирий номидаги Жиззах давлат педагогика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.navoiy-uni.uz](http://www.navoiy-uni.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:**

**Каримов Суюн Амирович**  
филология фанлари доктори, профессор

**Расмий оponentлар:**

**Маматов Абдимурод Эшонқулович**  
филология фанлари доктори, профессор

**Холманова Зулхумор**  
филология фанлари доктори, профессор

**Ҳакимов Муҳаммадхон Хўжахонович**  
филология фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Андижон давлат университети**

Диссертация ҳимояси Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017 Fil.19.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2017 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4. Тел.: (99871) 246-63-58; fax: (99871) 246-53-21; e-mail: [tdutau\\_nazorat@edu.uz](mailto:tdutau_nazorat@edu.uz).)

Диссертация билан Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент, Университет кўчаси, 4. Тел.: (99871) 246-63-58

Диссертация автореферати 2017 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ да тарқатилди.  
(2017 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Ш.С.Сирождинов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

**Ё.Р.Одилов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, филол.ф.д.

**Н.М.Маҳмудов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филол.ф.д., профессор

## КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон тилшунослигида эпос тили ва у билан боғлиқ лисоний бирликларни ўрганиш, лексикографик манбаларини яратиш, лексик қатламларининг таркибини аниқлаш ва таснифлаш, матннинг лингвостатистик таҳлилини амалга ошириш, лисоний белгининг маъноси ва маданий мазмун бирикувидан таркиб топган, ўзида миллий ахборотни ифодаловчи лингвомаданий бирликларнинг қўлланиши ва бадииятини очиб бериш соҳа ривожини таъминлайдиган муҳим омиллардан биридир.

Мустақиллик йилларида «аждоларимиз томонидан кўп асрлар мобайнида яратиб келинган ғоят улкан, бебаҳо маънавий ва маданий меросни тиклаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган ниҳоятда муҳим вазифа бўлиб қолди»<sup>1</sup>. Хусусан, халқимизнинг ўтмишини ҳикоя қилувчи дostonларнинг жамият ва миллат тарихидаги ўрнини белгилашга, кўп жилдлик намуналарини тайёрлаш ва нашр этишга, уларнинг илмий ва бадиий-эстетик қимматини ёритишга муҳим масалалардан бири сифатида қаралди. Натижада, дostonлар тилидаги лингвомаданий бирликларнинг бадиий-эстетик табиати ва лингвопоэтик хусусиятларини аниқлашга оид тадқиқотларнинг натижалари «Ўзбек тилининг изоҳли луғати», «Халқ дostonлари тили ўхшатишларининг изоҳли луғати»ни яратишга асос бўлган манбалардан бири бўлди.

Жаҳон тилшунослигида лисоний бирликлар (фонетик, морфемик, лексик ва бошқалар) нинг бадиий-эстетик вазифаларини ўрганувчи лингвопоэтика соҳаси кўплаб тилшунос олимларининг эътиборини тортган. Жумладан, дostonларнинг типологик хусусиятлари, лингвомаданий бирликларнинг қўлланиш меъёрлари ва матндаги вазифалари ўрганилган. Ўзбек тилшунослигида халқ дostonлари тилининг лисоний ва бадиий-эстетик хусусиятларини аниқлаш, бахшининг лингвомаданий бирликлардан фойдаланишдаги поэтик маҳоратини асослаш мавзунинг долзарблигини белгилайди. Шу маънода, Фозил Йўлдош ўғли дostonлари лексикаси луғавий қатламларини очиб бериш, уларнинг вазифавий-мазмуний хусусиятларини аниқлаш, дostonларнинг лексикографик манбаларини яратиш, дoston тилига хос фонетик, лексик-грамматик бирликларнинг қўлланиш даражасини аниқлаш, структур-семантик хусусиятларини асослаш, лингвопоэтик таҳлилини амалга ошириш ва, ўз навбатида, бундан дунё илм-фанини хабардор этиш заруратини юзага келтиради.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 7 октябрдаги 222-сон «2010-2020 йилларга мўлжалланган номоддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш Давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сонли «Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Маънавий кадриятлар ва миллий ўзликни англашнинг тикланиши // Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида . – Тошкент: Ўзбекистон, 1998, т. 6. – Б. 125.

такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сонли «Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги талаблари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги ПФ-4797-сон «Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи<sup>2</sup>.**

Йирик эпик асарларнинг лисоний, типологик ва лингвопоэтик хусусиятларини ўрганишга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Academy of Korean Studies Grand (South Korea); University of California, University of Harvard, Indiana University of Bloomington (USA); Universität Bonn (Germany); University of Oslo (Norwegian); University of Vienna (Australia); Vilniaus Universitetas (Lithuania); Київський національний університет (Украина); Bakı Dövlət universiteti (Ozarbayjon); Москва давлат университети, Санкт-Петербург давлат университети, Воронеж давлат университети, Петрозаводск давлат университети (РФ); Қозоқ миллий университети (Қозоғистон); шунингдек, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети, ЎЗР ФА хузуридаги тил, адабиёт ва фольклор илмий-тадқиқот институти (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

Дунё халқлари эпоси тили ва поэтикаси, улардаги лингвомаданий бирликларнинг поэтик табиати ва бадий-эстетик вазифаларини очиб беришга йўналтирилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: ўзбек «Алпомиш»и ва корейс «Жумўнг» дostonларининг сюжет тузилишидаги пойга, кураш, мерганлик каби синов шартларининг муштараклиги аниқланган, корейс эпосининг генетик асослари қадимги туркий эпик анъаналарга алоқадорлиги исботланган (Korean Studies Grand, South Korea); халқ дostonларининг қиёсий-типологик табиати, шаклланиш тарихи ва манбаларига доир муҳим хулосалар чиқарилган (Universität Bonn, Germany; Harvard University, USA); эпос муайян этноснинг тарихи, миллий поэтик тафаккури билан боғлиқлиги ва

---

<sup>2</sup>Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи [www.universityofcalifornia.edu](http://www.universityofcalifornia.edu), [www.harvard.edu](http://www.harvard.edu), [www.indiana.edu](http://www.indiana.edu), [www.intl.aks.ac.kr](http://www.intl.aks.ac.kr), [www.uni-bonn.de](http://www.uni-bonn.de), [www.uio.no/english](http://www.uio.no/english), [www.univie.ac.at/en](http://www.univie.ac.at/en), [www.vu.lt](http://www.vu.lt), [www.bsu.edu.az](http://www.bsu.edu.az), [www.univ.kiev.ua](http://www.univ.kiev.ua), [www.msu.ru](http://www.msu.ru), [www.spbu.ru](http://www.spbu.ru), [www.vsu.ru](http://www.vsu.ru), [petrsu.ru](http://petrsu.ru), [www.kaznu.kz](http://www.kaznu.kz), [www.navoiy-uni.uz](http://www.navoiy-uni.uz) ва бошқа манбалар асосида амалга оширилди.

бошқа миллатлар бадий анъаналари билан ўзаро алоқаларини ўзида акс эттирган номоддий маданий мерос намунаси эканлиги тасдиқланган (University of California; Indiana University of Bloomington, USA); достонлар тилидаги ифода – тасвир услуги ўрганилган (Vilniaus Universitetas, Lithuania; Київський національний університет, Украина); фольклор ва адабиётнинг тили масалалари очиб берилган (Москва давлат университети, Санкт-Петербург давлат университети, Петрозаводск давлат университети, Воронеж давлат университети, РФ); метафораларнинг инсон когнитив фаолияти билан боғлиқлиги, нутқнинг турлича услубий типларида қўлланилиши, матндаги вазифалари очиб берилган (Москва давлат университети, Санкт-Петербург давлат университети, РФ; Київський національний університет, Украина); сифатлашнинг поэтик табиати, қўлланилиш меъёрлари ва бадий-эстетик қиммати асосланган (Москва давлат университети, РФ); ўхшатишлар, метафоралар, мақол ва фразеологик бирликлар, нутқий этикетлар лингвомаданий бирлик сифатида ўрганилган (Қозоқ миллий университети, Қозоғистон; Baki Dovlet Universiteti, Озарбайжон); лингвомаданий бирликларнинг лингвокультурологик хусусиятлари асосланган (Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети, ЎЗР ФА ҳузуридаги тил, адабиёт ва фольклор илмий-тадқиқот институти).

Дунё лингвофольклористикасида йирик эпик асарларнинг лисоний хусусиятлари бўйича қатор, жумладан, куйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: эпос лексикасини ўрганиш орқали тилнинг этномаданият билан боғлиқлигини, лингвомаданий бирликларнинг лингвокультурологик ва лингвопоэтик хусусиятларини асослаш; бахши-ижодкорнинг матн яратилишидаги маҳоратини очиб бериш; достонлар тилидаги лексемаларнинг вазифавий-мазмуний, этимологик ва статистик таҳлилини амалга ошириш, паремиологик ва фразеологик бирликларнинг лексик-семантик ҳамда психолингвистик хусусиятларини аниқлаш; матннинг электрон варианты асосида лексикографик манбаларини тузиш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Жаҳонда ўзбек халқ достонларининг лисоний ва бадий хусусиятларини аниқлаш бўйича қатор ишлар амалга оширилган. Жумладан: Л.М.Пеньковский «Алпомиш» достонини бадий жиҳатдан тўлақонли рус тилига таржима қилган; ушбу таржима асосида Ян Комаровский Братиславадаги «Млада лета» нашриётида словак тилида достонни нашр эттирган; Олмонияда К.Рейхл «Алпомиш», «Равшан» достонларини немис тилига ўгириб чоп этган<sup>3</sup>, мазкур олимнинг «Турк эпоси»<sup>4</sup> номли фундаментал тадқиқотида, шунингдек, «Ўзбек халқ қаҳрамонлик эпоси «Алпомиш» (Висбаден, 2001) монографиясида достоннинг ўрганилиши, лисоний ва ғоявий-бадий

<sup>3</sup>Karl Rechl. Rawsan. Ein uzbekisches mundliches Epes.Otto Harrassowitr.Wiesbade, 1985.

<sup>4</sup>Райхл Карл. Тюркский эпос. – М.Вост. литер., 2008.

хусусиятлари таҳлил этилган<sup>5</sup>; О.Ингёнг докторлик диссертациясида дostonларнинг типологик хусусиятларини очиб берган<sup>6</sup>.

Халқ дostonлари тили ва бадиияти юзасидан ўзбек тилшунослигида бир қатор диссертацион тадқиқотлар амалга оширилган: уларда дostonларнинг луғавий, лексик-семантик, функционал-услубий хусусиятлари, қиёсий-тарихий таҳлили, поэтик кўчим ва барқарор услубий формулалар махсус ўрганилган<sup>7</sup>.

Аммо тадқиқот объектига дахлдор дostonлар тилидаги лексемаларнинг этимологик, луғавий-маъновий ҳамда вазифавий-мазмуний тадқиқи, матннинг лингвостатистик таҳлили, услубий формулалар, ўхшатиш, сифатлаш, метафора, метонимия, фразеологик ва паремиологик бирликларнинг лингвопоэтик имкониятлари, бадиий-эстетик вазифалари, стилистик қатламлари ва эпик қаҳрамонлар нутқидаги норасмий унсурлар (қарғиш, сўкиш)нинг лингвопоэтик табиати билан боғлиқ бир қатор масалалар умумлаштирилган ҳолда махсус ўрганилган эмас. Бахши дostonларининг лексикографик манбалари ҳануз яратилмаган ва нашр қилинмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти ЖДПИ «Филология фанларининг долзарб муаммолари ва уларни амалиётга жорий этишнинг янги педагогик технологиялари» (2009-2014 йй.) мавзусидаги илмий-тадқиқот режасининг таркибий қисми сифатида ҳамда ЎЗР ФА ҳузуридаги тил, адабиёт ва фольклор илмий-тадқиқот институтининг ФА-Ф8-034 «Ўзбек тили лексикаси ва терминологиясининг ривожланиш тамойиллари» (2007-2011йй.), Ф1-ФА-2012-1-8 «Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари» 100 жилдлигини нашрга тайёрлаш ва уни текстологик ўрганиш муаммолари» (2012-2016 йй.), Навоий давлат педагогика институтининг Ф1-ХТ-О-19919 «Ўзбек мифологияси ва унинг бадиий тафаккур тараққиётида тутган ўрни» (2012–2016 йй.) фундаментал лойиҳалари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** дostonлар тилидаги сўзларнинг вазифавий-мазмуний, этимологик ва лингвостатистик хусусиятларини аниқлаш,

---

<sup>5</sup>Мирзаев Т. Дostonлар гултожи // Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари. 1-жилд, Алпомиш. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт – матбаа ижодий уйи, 2015. – Б.28.

<sup>6</sup>Ингёнг О. «Алпомиш» ва «Жумўнг» дostonларининг қиёсий-типологик таҳлили. ДД. – Тошкент, 2014.

<sup>7</sup>Қаранг: Шаабдурахманов Ш. О художественных средствах языка поэмы «Равшан»: АКД. – Тошкент, 1949.; Турсунов С. Лексические особенности дастана «Алпамыш»: АКД. – Ташкент, 1990; Ёрматов И.Т. Ўзбек халқ қаҳрамонлик эпоси бадиияти: ДД. – Тошкент, 1994; Мирзаева С. Ўзбек халқ романик дostonлари поэтикаси: ДД. – Т., 2004.; Юлдашева С.Н. Поэтика узбекского народного героического эпоса «Алпамыш»: АКД. – Ташкент, 1984; Холманова З. «Шайбонийхон» дostonи лексикаси (Пўлкан шоир варианты асосида): НДА. – Тошкент, 1998; Болтаева И. Ўзбек халқ дostonларида эпитет табиати. НДА. - Тошкент, 2000. – 25 б.; Холмуротова Ж. Шимолий Хоразм дostonлари лексикасининг функционал-услубий хусусиятлари: НД. – Тошкент, 2000; Рўзимбоев Х.С. Жанубий Хоразм дostonлари тилининг луғавий-маъновий таҳлили («Шахриёр» ва «Маликаи Завриё» дostonлари мисолида) НДА. – Тошкент, 2000. – 25 б.; Раҳимов А.С. Ўзбек халқ дostonлари лексикасининг қиёсий-тарихий таҳлили (Эргаш Жуманбулбул ўғли ижоди мисолида): НДА. – Самарқанд, 2002; Тошматов Х.Қ. Ўзбек халқ дostonларида поэтик кўчимлар: НДА. – Тошкент, 2002; Маҳмадиев Ш.С. Ўзбек халқ дostonлари тилида стилистик формулалар: НД. – Тошкент, 2007; Халиков А.А. «Гўрўғлининг туғилиши» дostonи тилининг лексик-семантик хусусиятлари: НДА. – Тошкент., 2009 ва бошқалар.

лингвомаданий бирликларнинг бадий-эстетик вазифаларини асослаш орқали бахшининг сўз танлашдаги маҳоратини очиб беришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

достонлар лексикасининг функционал-семантик ва этимологик таҳлилини тарихий-лисоний омиллар асосида амалга ошириш;

достонларнинг электрон матнларини тайёрлаш орқали тарихий-луғавий қатламларни ифодаловчи сўзлик, алфавитли, частотали, терс (чаппа) ва изоҳли луғатларни яратиш ҳамда уларга таянган ҳолда лексемаларнинг луғавий-маъновий хусусиятларини аниқлаш;

достонлар матни фонетик, лексик-грамматик қурилишининг статистик таҳлилини амалга ошириш;

достонлар тилидаги услубий формулаларнинг тузилмавий-поэтик хусусиятларини далиллаш, ибораларнинг семантик-коннотатив таҳлилини ишлаб чиқиш;

достонлар тилидаги лексик-стилистик қатламларнинг семантик табиатини ёритиш орқали бахши сўз бойлигини баҳолаш, нутқнинг норасмий, халқчил унсурлари (қарғиш, сўкиш ва ҳақорат сўзлар)нинг лингвопоэтик хусусиятларини очиб бериш;

достонлар тилидаги ўхшатишларнинг тузилмавий-семантик ва поэтик хусусиятларини ёритиш орқали шоирнинг анъанавийликка муносабатини белгилаш;

достонлар тилидаги сифатлашларнинг лисоний-поэтик ва бадий-эстетик вазифаларини асослаш, метафора, метонимия ва паремиология каби лингвомаданий бирликларнинг лингвопоэтик табиатини очиб бериш;

сажъ санъати ва такрорий бирликларнинг лингвопоэтик имкониятлари ва бадий-эстетик вазифаларини асослаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Фозил Йўлдош ўғли куйлаган, 1985-1989 йилларда Гафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида чоп этилган «Балогардон», «Баҳром ва Гуландом», «Зевархон», «Лайли ва Мажнун», «Малика айёр», «Нурали», «Рустамхон», «Фарҳод ва Ширин», «Ширин билан Шакар» достонларининг нашрлари танланган.

**Тадқиқотнинг предмети** халқ достонлари тили ва бадиияти, лексик қатламларининг статистик таҳлиллари ҳамда лингвомаданий бирликларнинг лингвопоэтикасини очиб бериш ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот мавзусини ёритишда тавсифлаш, таснифлаш, қиёслаш, танлама, компонент таҳлил, лингвокультурологик, математик-статистик усулларидадан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилigi** қуйидагилардан иборат:

достонлар тилидаги сўзларнинг тарихий-этимологик ва вазифавий-мазмуний хусусиятлари очиб берилган;

достонларнинг электрон матни асосида лексикографик манбалари (сўзлик, алфавитли, частотали, терс (чаппа) ва изоҳли луғатлар) яратилган;

достонлар матнидаги фонетик, лексик-грамматик қурилишидаги бирликларнинг қўлланилиш миқдори аниқланган;

достонлар тили лингвопоэтикасини аниқлаш орқали услубий формулаларнинг тузилмавий-поэтик табиати ва лексик-стилистик қатламларнинг семантикаси асосланган, ибораларнинг тузилмавий-семантик ва коннотатив маъноларидаги ўзига хосликлар очиб берилган;

достонлар қахрамонлари нутқидаги норасмий, халқчил унсурлар (сўкиш, қарғиш ва ҳақорат сўзлар)нинг матндаги лингвопоэтик хусусиятлари, такрорий бирликлар ва сажъ санъатининг лисоний ва лингвопоэтик имкониятлари асосланган;

достонлар тилидаги ўхшатишларнинг тузилмавий-семантик ва поэтик табиати, сифатлаш, метафора, метонимия ва паремиологик бирликларнинг лингвопоэтик имкониятлари аниқланиб, бадий-эстетик қиммати очиб берилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

халқ достонларининг лисоний хусусиятлари билан боғлиқ тўпланган материаллар, қўйилган масалаларни тадқиқ этиш натижасида келинган умумлашма ва хулосалар ҳозирги тилшунослигимиз учун муҳим илмий-назарий маълумотлар бериши, «Лексикология», «Матн лингвистикаси», «Диалектология», «Стистика», «Ўзбек тили тарихи» каби фанлардан яратиладиган янги дарслик ва қўлланмаларнинг мукамаллашувига хизмат қилиши асосланган;

достонлар тилининг ўрганилишидаги етакчи тамойиллар, лексик бирликларнинг тарихий-этимологик ва функционал-семантик таҳлили билан боғлиқ илмий қарашлар бирламчи манбаларга асосланиб ёритилган;

достонлар матнининг лингвостатистик таҳлили замонавий ахборот технологияларга таяниб амалга оширилган, лексикографик манбаларнинг фонетик, лексик ва грамматик қурилиши жаҳон тилшунослигининг энг сўнгги ютуқлари асосида ёритилган;

лингвомаданий бирликларнинг халқ руҳияти ва дунёқараши, миллий менталитетга мос ҳолда яратилганлиги лисоний далиллар асосида таҳлил этилган, бу борада бахшининг анъанавий ва индивидуал маҳорати аниқланган;

бадий такрорнинг лингвопоэтик имкониятлари ўрганилган, сажъ санъатининг достонлардаги хос хусусиятлари, бадий-эстетик ва функционал вазифалари талқини амалга оширилган;

тадқиқот натижалари асосида яратилган лексикографик луғатлар ва достонлар тили ўхшатишлари изоҳли луғатининг она тили таълимида, оғзаки сўзлаш нутқида ўқувчи-талабаларнинг филологик билим ва малакаларини оширишдаги амалий аҳамияти аниқланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** қўлланилган ёндашув, усуллар ва назарий маълумотларнинг илмий манбалар ҳамда нашр этилган достонлардан олинганлиги, лингвомаданий бирликларнинг лингвопоэтик таҳлиларида миллий менталитет табиатидан келиб чиққанлиги, тавсифлаш, таснифлаш, қиёслаш, танлама, лингвокультурологик, компонент, математик-статистик таҳлил усулларига асосланганлиги, назарий фикр ва хулосаларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган

натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги, жаҳон тилшунослиги ва лингвофольклористикасининг энг янги илмий концепциялари асосида ўрганилганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ўзбек халқ дostonлари лексикасини тарихий-этимологик, функционал-семантик, статистик ва лингвопоэтик тизимда ўрганишда, лексикографик луғатларни тузишда ва амалдаги мавжуд луғатларни тўлдиришда, дostonлар тилидаги матнларнинг лингвокультурологик хусусиятларини аниқлашда, лингвомаданий бирликларнинг лингвопоэтик ва бадиий-эстетик табиатига дахлдор масалаларни тадқиқ этишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олий ва ўрта махсус таълим тизимида бадиий асар назарияси ва тарихини ёритиш, халқ дostonлари тили бўйича махсус курс ва семинарлар ўтиш, «Ҳозирги ўзбек адабий тили» фанининг лексикология, семасиология, лексикография қисмлари ва «Диалектология», «Лингвопоэтика», «Матн лингвистикаси» фанларидан дарслик ва ўқув қўлланмалар яратиш, шунингдек, оммавий ахборот воситаларида Фозил Йўлдош ўғлининг эпик репертуари ва бадиий маҳоратини ташвиқ этишга хизмат қилиши билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Фозил Йўлдош ўғли дostonлари тилининг лисоний хусусиятларини очиб бериш жараёнида маънавий-маърифий тизимни такомиллаштириш бўйича белгиланган тадбирлар асосида:

тадқиқот натижалари ва «Ширин билан Шакар» дostonининг изоҳли луғати»да берилган 20 дан ортиқ сўз (*элчи, ясовулбоши, қаландар, қон ютмоқ, қурғур, қўчқор, газот, ўғлон, ўтагоси* кабилар)нинг луғавий ва маъновий таҳлилини далилловчи маълумотлардан ФА – Ф8 – 034 рақамли «Ўзбек тили лексикаси ва терминологиясининг ривожланиш тамойиллари» фундаментал лойиҳа доирасида кўп жилдли «Ўзбек тилининг изоҳли луғати» V жилдидаги луғат мақолаларини нашрга тайёрлашда (Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш кўмитасининг ФТК -0313/699 сон маълумотномаси) фойдаланилган. Илмий-тадқиқот натижасининг жорий қилиниши мазкур луғатдаги лексикографик талқинларнинг янада бойитилишига муҳим асос бўлган;

диссертация натижаларидан Ф1–ФА-2012-1-8 рақамли «Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари 100 жилдлигини нашрга тайёрлаш ва уни текстологик ўрганиш муаммолари» фундаментал лойиҳанинг I-V-XI-жилдларидаги кириш ҳамда луғат мақолаларини нашрга тайёрлашда (Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш кўмитасининг ФТК -0313/699 сон маълумотномаси) фойдаланилган. Илмий натижанинг амалиётга татбиқ этилиши дostonларнинг лингвофольклористик жиҳатдан ўрганилганлигини ёритишда ва лексикографик талқинларнинг бойитилишига хизмат қилган;

мазкур тадқиқотдаги ўзбек мифологияси ва унинг бадиий тафаккур тараққиётига алоқадор 20 дан ортиқ сўз (*пари, ҳизр, чилтан, фаришта,*

*бўри, ялмоғиз кампир, ажина, дев, аждарҳо* кабилар)нинг турли услубий маъноларидан Ф1–ХТ–0-19919 рақамли «Ўзбек мифологияси ва унинг бадий тафаккур тараққиётида тутган ўрни» фундаментал лойиҳада (Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитасининг ФТК – 0313/736 сон маълумотномаси) муҳим манба сифатида фойдаланилган;

Фозил шоир дostonлари тилидаги ўхшатишларнинг лингвопоэтик табиатини таҳлил этиш ва лексикографик жиҳатдан изоҳлашнинг илмий асосларига доир умумлашмалар, назарий концепциялар туркий халқлар лингвофольклористикаси тарихида илк бор яратилган «Халқ дostonлари тили ўхшатишларининг изоҳли луғати»да берилган, мазкур луғатдан фан ва таълим тизимида дostonлар тили ва услубини, оғзаки нутқнинг коммуникатив сифатларини ўрганишда, бахшининг сўз қўллаш маҳоратини таҳлил қилишда фойдаланилмоқда.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан, 8 та халқаро ва 25 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича 76 та илмий иш нашр этилган, шулардан 2 та монография, 3 та рисола, 9 та тадқиқот-луғат, 1 та изоҳли луғат, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертацияларининг асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 28 та мақола, жумладан, 24 таси республика ҳамда 4 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, 4 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, шартли қисқартмалар рўйхати ва 14 та жадвалдан ташкил топган бўлиб, умумий ҳажми 278 варақдан иборат.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр қилинган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Фозил Йўлдош ўғли дostonлари лексикасининг тарихий-этимологик, функционал-семантик ва статистик тадқиқи**» деб номланган биринчи бобида тилшунослигимиздаги халқ дostonлари тилининг ўрганилиши масаласи ва унинг ҳозирги босқичдаги долзарб муаммолари, дostonлар лексикасининг тарихий-этимологик, функционал-семантик ва статистик таҳлили берилган. Бу борада амалга оширилган

тадқиқотлардаги олимларнинг фикр-мулоҳазалари шарҳланган ва илмий баҳоланган.

Халқ достонлари тилига бағишланган илк илмий кузатишлар ХХ асрнинг 30-40-йилларидан бошланган. Дастлаб Ҳ.Т.Зарифовнинг «Гўрўғли» туркуми достонлари бўйича жажжи тадқиқотларини ва 1925-1945 йилларда нашр этилган халқ достонларининг матни билан бирга луғат тартибида изоҳ-шарҳлар беришдаги хизматларини таъкидлаш зарур. Олимнинг ҳамкорликда яратган «Ўзбек халқ қаҳрамонлик эпоси» фундаментал тадқиқотидаги<sup>8</sup> фикр-мулоҳазалари ҳозирги кунда ҳам ўзининг илмий-назарий аҳамиятини йўқотмаган. Келгуси тадқиқотлар учун методологик замин ҳозирлаб берган мазкур асардан кейин халқ достонлари тилига бағишланган бир қатор ишлар қилинган. Бу борадаги ишлар умумлаштирилса, уларда мазкур масалага қуйидагича ёндошилганлиги маълум бўлади: 1) достонлар лексикаси, уларнинг шевалар ва адабий тилга муносабати (Х.Дониёров, А.Ишаев, Д.Абдурахмонов, Ҳ.Бектемиров); 2) лексик материалнинг лисоний таҳлили (С.Турсунов, З.Холманова, Б.Тўйчибоев, Қ.Йўлдошев, А.Раҳимов, Ж.Холмуродова, Х.Рўзимбоев, А.Ҳолиқов, К.Бозорбоев); 3) лексик-грамматик материалнинг лингвостатистик таҳлили (Д.Ўринбоева, Б.Йўлдошев, У.Умурзоқов); 4) достонлар тилининг грамматик хусусиятлари (Р.Расулов, Н.Ҳожимусаева); 5) достонлар тилининг лингвопоэтик таҳлили (Ш.Шоабдурахмонов, Н.Маҳмудов, И.Ёрматов, Х.Тошматов, И.Болтаева, Ш.Маҳмадиев ва бошқалар).

Халқ достонлари тилининг ўрганилиши масаласида энг долзарб муаммолар қуйидагича умумлаштирилган:

1. Достонлар тилининг лексик-семантик, лингвостилистик, лингвостатистик, лингвомаданий ва лингвопоэтик йўналишларда ўрганилиши масаласи ҳозирги кунда талаб даражасида эмас. Халқ достончилигида тан олинган бахшичилик мактабларидаги юксак бадиият дурдоналарининг, хусусан, муайян туркумларга (масалан, «Гўрўғли» туркумидаги каби) дахлдор эпик намуналарнинг, жуда бўлмаганда, бир номдаги, ҳар хил вариантлардаги достонларнинг лисоний хусусиятларига ёки уларнинг қиёсий таҳлилига бағишланган илмий тадқиқотлар кўзга ташланмайди.

2. Ўзбек халқ достонларининг тил хусусиятлари тарихий даврийлик нуқтаи назаридан ҳам қониқарли даражада тадқиқ этилган эмас. Фикримизча, халқ достонларининг мумтоз намуналари лексик таркибидаги ўз ва ўзлашган қатламларнинг қўлланиш даражаси, этимологик, генеологик ва стилистик-семантик қатламларининг таркиблари, достонлар тилига хосланган сўзларнинг адабий тил ва шеваларга муносабати, достонлар луғат бойлигининг миқдори, частотаси ва лексикографик манбалари ҳам

---

<sup>8</sup> Жирмунский В.М., Зарифов Х.Т. Узбекский народный героический эпос. - Москва: ГИХЛ, 1947. – 520 с.

аниқланиши, алоҳида ўрганилиши ва улар кенг қамровда умумлаштирилиши лозим.

3. Достонларни куйлаган бахшиларнинг эпик репертуаридаги ўзига хосликни, уларнинг индивидуал услубини аниқлашни кўзда тутадиган, қуввайи ҳофизасидаги сўзларнинг бадий-эстетик таъсир кучини, сўз санъатидан, хусусан, лингвомаданий бирликлардан мақсадли фойдаланишдаги маҳоратини ёритиб берадиган лингвомаданий ва лингвопоэтик тадқиқотлар ҳамон юзага келган эмас.

Тадқиқотда достонлар лексикасининг функционал-семантик таҳлилида лексемалар тизими алоҳида микромайдон сифатида гуруҳларга ажратилиб ўрганилган, эпик қаҳрамонларнинг номлари генеологик жиҳатдан тасниф этилган. Достонлар лексик қатламларидаги эски ва эскирган сўзларнинг ўзига хос маънолари, адабий тилнинг тарихий лексикасига муносабати, ҳозирги ўзбек адабий тили ва шевалари билан муштараклик касб этиши, улардан фойдаланишда халқ бахшисининг индивидуал маҳорати билан боғлиқ қатор масалалар ҳақидаги кузатишлар баён этилган.

Достонлар тилидаги эски сўзлар «Девону луғотит турк»<sup>9</sup>, «Арабско-русский словарь»<sup>10</sup> ва «Древнетюркский словарь»<sup>11</sup>, «Ўзбек тилининг этимологик луғати»<sup>12</sup>даги маълумотлар билан қиёсланди. Эскирган сўзларнинг кўпчилиги ўзининг мавзу доираси билан ҳам тарихийлик аҳамият касб этганлиги боис, ишда достонлардаги тарихий сўзлар микромайдон жиҳатидан муайян гуруҳларга ажратиб ўрганилди. Шунингдек, тадқиқотда достонлар лексикасидаги эски сўзлар қатлами икки хил (лексик ва семантик) намуналар асосида таҳлил этилди.

Ишда достонлар тилидаги сўзлар тарихий-этимологик жиҳатдан уч гуруҳга ажратилди: ўз қатлам (умумтуркий, ўзбекча сўзлар); форс-тожик тилидан ўзлашган қатлам; араб тилидан ўзлашган қатлам. «Она тилимизнинг қўлланиш доирасини кенгайтириш, унинг тарихий илдизларини чуқур ўрганиш ва илмий асосда ҳар тамонлама ривожлантириш бугунги кунда ўта долзарб масала»<sup>13</sup> эканлигини инобатга олиб, тадқиқотда ҳар бир гуруҳга мансуб қатламлар алоҳида-алоҳида ўрганилган.

Муайян тарихий даврлар ўтиши билан умумтуркий лексемалар асосида ўзбек тилининг ўзига хос мустақил луғавий фонди шаклланган. Достонлар тили лексикасида ўз қатлам (умумтуркий, ўзбекча) лексемалари асосий ва кўпчилик қисми ташкил қилган.

<sup>9</sup>Маҳмуд Кошғарий. Девону луғотит турк. Индекс. Тошкент: Ўз Фан, Тошкент, 1960.- 499 б.; Т.2. 1961. – 427 б.; Т.3. 1963 – 465 б. .

<sup>10</sup>Баранов Х.К. Арабско-русский словарь. – Изд. Русский язык. – Москва.:1976.

<sup>11</sup> Древнетюркский словарь. – Л.: Наука, 1969. – 675 с.

<sup>12</sup>Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик луғати (Туркий сўзлар). – Тошкент: Университет, 2000. - 600 б; Ўзбек тилининг этимологик луғати (Арабча бирликлар ва улар билан ҳосилалар). – Тошкент: Университет, 2003. - 267 б; Ўзбек тилининг этимологик луғати (Форсча, тожикча бирликлар ва улар билан ҳосилалар). – Тошкент: Университет, 2009. - 282 б.

<sup>13</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони // Халқ сўзи. – 2016 йил 14 май.

Ишда дostonлар лексикасидаги ўзлашган қатлам, хусусан, форсча-тожикча ўзлашмаларни қўлланиш даражасига кўра икки гуруҳга ажратиб ўрганилди: 1) ҳозирги ўзбек адабий тили ва шеваларига хос форс-тожикча сўзлар: бу қатламга мансуб 600 дан ортиқ сўз дostonлар тилида фаол қўлланилганлиги аниқланди; 2) фақат шеваларга хос форс-тожикча сўзлар: дostonларда 120 дан ортиқ сўз ўзбек-қипчоқ лаҳжаларида ва дostonлар лексикасида «асл ўзбекча сўзлар билан бирга қўлланиб, улар айрим стилистик вазифаларни бажариб келишга»<sup>14</sup> хизмат қилганлиги лисоний далиллар асосида таҳлил этилган.

Тадқиқ жараёнида араб тилидан ўзлашган сўзлар уч гуруҳга ажратиб ўрганилди: 1) ўзбек адабий тили ва шеваларига хос арабча сўзлар: 120 дан ортиқ сўз дostonлар лексикасида қўлланган; 2) дostonлар лексикасидаги шевага хос арабча сўзлар; 3) дostonлар тили лексикасидаги арабча сўзлар. Тадқиқ жараёнида бундай сўзлар ҳозирги ўзбек шеваларидаги каби халқ дostonлари тилида кам учраганлиги, уларнинг қўлланиш частотаси паст эканлиги аниқланди.

Ишда дostonларни ёзиб олишдаги муаммо ва камчиликлар, тадқиқотда қўлланилган метод ва усуллар, дostonлар лексик-грамматик қурилишининг статистик таҳлили берилган.

Лингвостатистик таҳлилни амалга ошириш жараёнида халқ дostonларининг матни бошқа матнларга қараганда ўзига хосликларга эга эканлиги ва улар лексикографик кузатишларни амалга оширишда муайян қийинчиликларни келтириб чиқариши аниқланди. Бу қийинчиликлар дostonларни ёзиб олишнинг аниқ бир мезони йўқлиги, натижада, дostonларни бахшилар тилидан ёзиб олишда бир қатор хатоликларга йўл қўйилганлиги билан изоҳланади. Шунинг учун биз дostonлар матни қандай эълон қилинган бўлса, шу ҳолича компьютер хотирасига киритдик ва электрон матнини тайёрладик.

Ишда дунё тилшунослигидаги илғор тажрибаларга, математик статистика усули, танлама методи ва тегишли формулаларга таянилди. Француз математики Лаплас (XVIII аср) ифодалаган эҳтимолликнинг классик таърифидан хорижий тилшуносликда фойдаланиб келинаётганлиги маълум ҳодиса<sup>15</sup>. Масалан, бирон бир матн (асар) даги, айтайлик,  $A_1$  сўз  $F$  марта қўлланган. Мана шу сўзнинг мазкур матн (асар) даги қўлланиш эҳтимоли қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:  $P(A_1) = \frac{F}{N}$ .

Тадқиқотда дostonлар матнида қўлланилган сўзларнинг ишлатилиш коэффициентини топиш масаласига эътибор қаратилди ва қуйидаги формула ёрдамида амалга оширилди:  $P_a = \frac{m}{n}$ . Бунда  $P_a$  – сўзнинг ишлатилиш эҳтимоли коэффициенти,  $m$  – таҳлил этилаётган элементнинг сони,  $n$  – сўзликнинг умумий сонини билдиради. С.Ризаев тил ва нутқ

<sup>14</sup>Дониёров Х. Қипчоқ диалектларининг лексикаси. – Тошкент: Фан, 1979. – Б.83.

<sup>15</sup>Бектаев К.Б., Пиотровский Р.Г. Математические методы в языкознании. Ч. 1. Теория вероятностей и моделирование нормы языка. – Алма-Ата, 1973. – С.53.

бирликларининг қўлланиш частоталарига бўлган ишончлиликни баҳолаш мақсадида математик статистика ва эҳтимоллар назариясидаги «Ишончлилик баҳоси» («Оценка достоверности»), «Ишончлилик оралиғи» («Доверительный интервал») каби формулалардан фойдаланган. Олимнинг «Лингвистик тадқиқотларда танлама ҳажми (N) қанчалик кўп бўлса, кутилган натижа шунчалик ишончли ва самарали бўлади»,<sup>16</sup> деган фикрига асосланиб, тадқиқотда лингвостатистиканинг текшириш методларидан бири бўлган *танлама методига* таянган ҳолда дostonларнинг электрон нусхалари шакллантирилди ва уларнинг статистик таҳлили амалга оширилди.

Статистик таҳлилни амалга ошириш мақсадида компьютер хотирасига киритилган ҳар қандай матн тадқиқотчининг ўз олдига қўйган мақсадидан келиб чиқиб қайта ишланишга тайёр материал бўлиб хизмат қилади. Исталган луғавий бирликнинг частотаси аниқлангандан кейин уни микроматнлар қуршовидан ажратиб олиб бир ерга тўплаш ва исталган йўналишда, айтайлик, фонетик, лексик-семантик, грамматик, стилистик ҳамда қиёсий таҳлил этиш учун кенг имкониятлар вужудга келадики, бу бевосита фольклор асарлари матнига ҳам тегишлидир. Шу маънода, Фозил Йўлдош ўғлининг дostonлари лексикасини ҳам статистик усуллар асосида тадқиқ қилиш, лексикографик манбаларини тайёрлаш ва уларни нашр этиш илмий-амалий аҳамиятга молик вазифалардан бири деса бўлади. Бу борада амалга оширилган биринчи вазифа – замонавий компьютер маълумотларига таяниб, дostonларнинг ҳажми, саҳифаси ва луғавий бирликлари миқдори аниқлаб олинди:

1-жадвал

*Дostonларнинг саҳифаси ва луғавий бирликлари миқдори*

<i>m/p</i>	<i>Дostonлар</i>	<i>ҳар бир дostonнинг саҳифаси</i>	<i>луғавий бирликлар миқдори</i>
1	Балогардон	82	19624
2	Баҳром ва Гуландом	117	21597
3	Зевархон	82	15859
4	Лайли ва Мажнун	74	15803
5	Малика айёр	205	44791
6	Нурали	74	16425
7	Рустамхон	103	22056
8	Фарход ва Ширин	78	17135
9	Ширин билан Шакар	121	23686
	<b>Жами</b>	<b>936</b>	<b>196976</b>

Кўрамизки, электрон вариант замонавий компьютер хотирасига киритилгач, 936 саҳифалик матнда берилган рақамлар умумлаштирилганда 196976 луғавий бирлик қўлланганлиги маълум бўлади. Қўлланилган

<sup>16</sup>Ризаев С. Ўзбек тилшунослигида лингвостатистика муаммолари. – Тошкент: Фан, 2006, 21-бет.

сўзларнинг тахминан 200.000 га яқинлиги шоир куйлаган дostonлар матнининг статистик қурилиши ва лексик-грамматик хусусиятлари ҳақида муайян илмий-амалий хулосалар чиқаришимизга асос бўла олади, деб ҳисобладик. Шундан сўнг иккинчи вазифа – матннинг электрон нусхаларига таянган ҳолда сўзлик, алфавитли, частотали ва терс луғатлар тузиш ишлари амалга оширилди ҳамда қуйидаги натижалар олинди:

2-жадвал

*Дostonлардаги сўзшаклларнинг миқдори*

m/p	Дostonлар	сўзларнинг миқдори	
		Сўзшакллар	жами қўлланиши
1	Балогардон	5839	19245
2	Баҳром ва Гуландом	6143	21431
3	Зевархон	5053	15701
4	Лайли ва Мажнун	4655	15713
5	Малика айёр	9581	44487
6	Нурали	5165	16316
7	Рустамхон	6337	21672
8	Фарҳод ва Ширин	4857	16884
9	Ширин билан Шакар	6210	23534
	<b>Жами</b>	<b>53840</b>	<b>194983</b>

Тузилган луғатлар ёрдамида ҳар бир дostonда қўлланилган сўзшакл ва уларнинг қўлланиш частотаси аниқланди. Демак, Фозил шоир дostonларида жами 53840 та сўзшаклни 194983 марта қўллаган.

Келтирилган жадваллардаги рақамларда баъзи бир фарқлар борлиги кўзга ташланади. Биринчи жадвалда луғавий бирликлар сони 196976 та деб берилган, лекин бу натижа компьютер кўрсаткичи. Янги тузилган луғатларда эса матнда 194983 сўзшакл мавжудлиги қайд этилган. Дostonлар матни ва бу матнлар асосида тузилган алфавитли луғатлардаги сўзшакллар ва уларнинг қўлланиш частотаси ўртасидаги фарқлар миқдор ва фоизлар ҳисобида қуйидагича бўлди:

3-жадвал

*Алфавитли луғатлардаги сўзшакллар ва уларнинг қўлланиш частотаси*

m/p	Дostonлар	жами қўлланиши		Фарқи	
		Матнда	Луғатда	Сонда	%
1	Балогардон	19624	19245	379	0,019313
2	Баҳром ва Гуландом	21597	21431	166	0,007686
3	Зевархон	15859	15701	158	0,009963
4	Лайли ва Мажнун	15803	15713	90	0,005695
5	Малика айёр	44791	44487	304	0,006787

6	Нурали	16425	16316	109	0,006636
7	Рустамхон	22056	21672	384	0,01741
8	Фарход ва Ширин	17135	16884	251	0,014648
9	Ширин билан Шакар	23686	23534	152	0,006417
	<b>Жами</b>	<b>196976</b>	<b>194983</b>	<b>1993</b>	<b>0,010118</b>

Ушбу жадвалдан маълум бўладики, дostonлар матнининг электрон матни очилганда компьютер кўрсатадиган рақамлар луғатлар тузилгандан кейинги рақамларга қараганда бироз кўп. Аммо бу фарқ 0,01-0,02 % дан ошмайди: улар ўртасида 100 та сўзга 1 фарқ тўғри келиши мумкин. Демак, бу ерда нисбий хато  $\delta = 0,01-0,02$  га тенг. Бу нисбий хатоликларнинг муайян сабаби бор. Компьютер электрон матндаги рақамларни ҳам бир луғавий birlik сифатида қайд этади, луғатларда эса харфлар (сўз) билан ёзилмаган сон ҳисобга олинмайди. Шу боис бундай номувофиқликка, кичик фарқли ҳолатга жиддий камчилик сифатида қаралмаса ҳам бўлади, деб ҳисобладик.

Тадқиқот натижасидаги лисоний материалларнинг тасдиқлашича, қўлланиш частотасига кўра барча дostonларда мутлоқ устунликни эгаллайдиган сўзлар мавжуд. Таҳлилдаги дostonлар матнида учрайдиган, қўлланиш частотаси 100 дан юқори бўлган birlikлар ўрганилганда жами қўлланган birlikларнинг 37 фоизи ( $P=20008:53840=0,3716$ ) **Б, Қ, К, Т** товушлари билан бошланган сўзлар ёки сўзшаклларга тўғри келганлиги аниқланди.

Яна шуни ҳисобга олиш зарурки, матнда сўз қўлланишининг иккинчи кутбида кам қўлланилган элементлар туради. Фозил Йўлдош дostonларида 1 мартадан қўлланган сўзшаклларнинг частотаси 31232 та эканлиги аниқланди. Бу натижа барча дostonларда қўлланган сўзшаклларнинг 59,3 % ини ташкил этади. Бу далиллар ва **б** билан бошланган бир марта қўлланган сўзшакллар фоизи ҳам лингвостатистикада олиб борилган натижаларга<sup>17</sup> мос келади.

Ишда дostonлар матнида қўлланган birlikлар частотасининг сўз туркумлари бўйича фаоллик даражасини аниқлаш мақсадида яна ҳар бир дoston матнидаги қўлланиши 50 дан кам бўлмаган сўзшакллар ўрганиб чиқилган. 50 мартадан юқори қўлланилган фаол сўз туркумларининг абсолют частотаси 43257 бўлиб, у 425 сўзшаклни ташкил этиши ва бу элементларнинг ҳар бир дostonда сўз туркумлари бўйича қўлланиш натижалари ҳам аниқланди.

Диссертациянинг «**Фозил Йўлдош ўғли дostonлари лексикасининг лингвопоэтик тадқиқи**» деб номланган иккинчи бобида ўзбек тилшунослигида халқ дostonлари тили лингвопоэтикасининг ўрганилиши масаласи, дostonлар лексикасининг стилистик қатламларидаги метафорик қўлланиши натижасида юзага келган эмоционал-экспрессив маъно, бу борадаги халқ бахчисининг маҳорати ҳақида сўз юритилган, дostonлар

<sup>17</sup>Ризаев С. Ўзбек тилшунослигида лингвостатистика муаммолари. – Тошкент: Фан, 2006. – Б. 167.

тилида қўлланилган фразеологик ибораларнинг тузилмавий қурилиши, мавзуй гуруҳланиши, лексик-семантик табиати ва коннотатив маънолари ҳақидаги кузатишлар баён этилган.

Ўзбек тилшунослигида халқ дostonлари тили лингвопоэтикасининг ўрганилиши бўйича амалга оширилган ишлар умумлаштирилса, мазкур масалага қуйидагича ёндашганлиги маълум бўлади: 1) тадқиқот объекти бошқа, лекин мазмун-моҳияти тўлиғича ёки муайян боб – бўлимларигина лингвопоэтика масалаларига дахлдор ишлар (М.Ёқуббекова, Д.Ўраева, Ф.Эшбоева, Ш.Ҳайдаров, Ф.Ибрагимова каби); 2) дostonлар тили лингвопоэтикасига оид ишлар (Ш.Шоабдурахмонов, Н.Маҳмудов, Б.Тўйчибоев, Қ.Йўлдошев ва бошқалар); 3) халқ дostonларининг хусусий поэтикаси ва лингвомаданий бирликларга дахлдор ишлар (С.Йўлдошева, И.Ёрматов, С.Мирзаева, Х.Тошматов, Ш.Маҳмадиев, И.Болтаева ва ҳ.к.).

Ўзбек тилшунослигида бадий асарлар тилининг ўрганилиши масаласида салмоқли ишлар қилинган: кўплаб мақолалар, монографик тадқиқотлар чоп этилган, диссертациялар ҳимоя қилинган. Бироқ айтилган фикрни халқ дostonлари тили лингвопоэтикасининг ўрганилиш масаласига татбиқ этилса, бу борада, қўлга киритилган натижалар миқдори анчайин орқада эканлигини тасдиқлайди.

Ишда дostonлар лексик-стилистик қатламларининг баҳши сўз бойлигини белгилашдаги омиллар, индивидуал маҳоратига дахлдор мулоҳазалар қуйидагича умумлаштирилди:

1. Эпик қаҳрамоннинг нутқ предметида, баёндаги бўлаётган воқеа-ҳодисага нисбатан эмоционал муносабатини унинг истаги даражасида ёрқин, тимсолли қилиб ифодалашда биринчи галда халқ баҳшисининг бадиҳагўйлик билан қўйлаш жараёни муҳим омил саналади. Яъни, эпик қаҳрамон номидан дoston ижросиси нутқ оқимида бирор-бир предметга, бўлаётган воқеа-ҳодисага нисбатан танланган, бадиҳагўйлик жараёнида, тўсатдан пайдо бўлган муайян сўзни метафорик усул орқали моҳирона қўллаганки, натижада, дoston ижросида ҳам, унинг матнида ҳам ёрқин эмоционал-экспрессив маъно ифодалашга эриша олган. Айтилган ҳолат унинг индивидуал маҳоратининг бир қиррасини белгилашда етакчи омиллардан бири саналади.

2. Баҳшининг эмоционал-экспрессив метафорик маъно ҳосил қилиш услуби эпик қаҳрамонларга нисбат бериб қўллаган барча ифодалар учун бир хил: улар, асосан, от ва феъл сўз туркумлари билан ифодаланган. Бу ўринда эмоционал-экспрессив маънолар икки усул билан ифодаланганлигини ҳам назардан қочирмаслик зарур. Улар: а) сўзларнинг асл лексик маъно компонентининг таркибий қисми сифатида; б) кенг маънодаги бирор нарса-ҳодиса номларининг эпик қаҳрамонларга нисбатан қўлланиш натижасида ҳосил қилинган метафорик маъно сифатида. Бундай маънолар дostonлар тилида умумий семалар асосида ҳосил қилинган ва уларда албатта, ё салбий, ё ижобий муносабат кўзга ёрқин ташланган.

Дostonлар тилида иборалар икки хил тузилмавий қурилишга эга: гапга ва сўз бирикмасига тенг келадиган иборалар. Гапга тенг бўлган

иборалар мазмунан тугал, грамматик жихатдан шаклланган, ўзаро синтактик мезонлар асосида бириккан, дostonлар сюжетида дахлдор тасвирлар баёнининг поэтик талабларига тўла жавоб бера оладиган ҳолда учрайди. Айни жихатлари билан бундай иборалар матнда у ёки бу гапга тенг бўла олади. Сўз бирикмасига тенг бўлган иборалар дostonлар тилида мазмунан тугал фикрни англатмайди, икки ёки ундан ортиқ сўзлар бирикмасидан ташкил топган бўлади. Тадқиқотда икки тип ибораларнинг лексик-семантик табиати дostonлардаги мисоллар асосида таҳлил этилди.

Ишда дostonлар матнида *ақл* узвли иборанинг энг фаол қўлланганлиги, коннотатив маъноларининг хилма-хиллиги, қаҳрамонларнинг ҳаракат жараёнида турли хил руҳий ва эмоционал ҳолатларни бошидан кечирганлиги, халқ бахшисининг айни ҳолатларни дostonчилик анъаналарига мос ҳолда ва индивидуал услубда ифодалаш мақсадида ибораларнинг гўзал намуналарини яратганлиги лисоний далиллар билан изоҳланди.

Дostonлар тилидаги иборалар таркибий тузилишига кўра хилма-хил; иборалар микромайдон сифатида муайян мавзуй гуруҳларга бирлашган; лексик-семантик табиати ва коннотатив маънолари жихатидан иборалар дostonларнинг услубий хусусиятлари ва луғат бойлигини бойитишга фаол хизмат қилган.

Ишда дostonлар тилидаги муайян норозилик, ҳақорат, қарғиш ва сўкишларни ифодаловчи сўзларнинг қўлланиши ва уларнинг лингвопоэтик хусусиятлари ҳақида баҳс юритилган, дostonлар ижросида тингловчига таъсирли бўлишига олиб келган лисоний омиллардан бири эканлиги далилланган.

Нутқнинг норасмий унсурлари фақат тескари маънолилиги, одатда, халқона қолипларга мутлақо бўйсунмаслиги унинг халқ орасида яшовчанлигини таъминлаган. Зеро, М.М.Бахтин таъкидлаганидек, «... сўкиш, қарғиш, қасам, ҳақорат сингари ходисалар нутқнинг норасмий унсурларидир. Улар нутқий муносабатларда мавжуд бўлган коидаларни атайин бузишнинг шакли сифатида қабул қилиб келинган ва шундай қабул этилади. Улар муомала борасида қолиплардан, мулозаматдан, назокатдан, иззат-икром, эъзоз, эҳтиром, итоаткорлик ва бошқалардан қасддан юз ўгиришдир»<sup>18</sup>. Тадқиқ жараёнида дostonлар тилида сюжетдаги фикр оқимида мос, эпик қаҳрамонларнинг мижози ва руҳиятига хос, айни чоғда, уларнинг нутқ объектига кучли норозилиги ва ҳақоратларини ифодаловчи кўплаб сўзлар қўлланганлиги аниқланди. «Нурали» дostonидан олинган қуйидаги матнлар далил бўла олади: *“Қарғиши кўп Қоракамтир қараса, бир қўлтиққина ўтинни кўтариб, бир қизни ияртиб келаётир чоли. Камтир олдида чиқиб, бу сўзни айтаётир: Баланд тоғнинг бошин чалгандир туман, / Қариганда хўп иш қипсан, беимон! / Шаллақини қайдан топиб келдинг, сан? / Э, имонсиз, сира қуруқ келмайсан! / Дайрободда тўғри одам*

---

<sup>18</sup>Бахтин М.М. Творчество Франсуа Рабле и народная культура средневековья и Ренессанса. – Москва: Художественная литература, 1990 – С. 206.

*юрарми?/ Шу бало, мегажин омон турарми? / Шаллақини қайдан топиб келдинг, сан?/ Қарисанг ҳам асли ёмон балосан, / Бузуқчилик деса тайин ўласан. / Сен омон келганинг йўқ у ёқдан! / Киргизмайман, э, беимон, уйима, / Ҳаром-хариш, бу бетима қарама! / Қайга борсанг боргин энди, бурилма! / Ёш хотинман бўлгин, уйима келма!” (165-б.).*

Ишда эпик қаҳрамонлар нутқида қўлланган «худой олгур», «қўли бойлансин», «имонсиз қотгур», «иягинг сингур», «душман ўлсин», «танинг чирисин», «тананг чирисин», «илойим тақдирим қурсин» сингари қарғиш ифодалари, шунингдек, *тентак, энагар, бачагар, мегажин, шаллақи* каби ҳақоратни ифодаловчи сўзларнинг матнда қўлланиш ўринлари, ҳаётий қамрови, вазифадошлиги жиҳатидан ўзига хос лингвопоэтик хусусиятлари таҳлил этилган.

Диссертациянинг учинчи боби «**Фозил Йўлдош ўғли дostonлари тилидаги лингвомаданий бирликлар тадқиқи**» деб номланган ва унда ўхшатиш, сифатлаш, метонимия, метафора, парема ва стилистик формулаларнинг тузилмавий-семантик, лисоний-поэтик ҳамда бадий-эстетик вазифалари таҳлил этилган.

Ўхшатишларнинг тузилмавий-семантик ва поэтик табиати масаласи ўрганилганда дастлаб ўхшатишларнинг поэтик фигура сифатидаги унсурлари билан боғлиқ баҳслар, тузилмавий-таркибий қисмларига оид қарашлар Б.В.Томашевский, А.И.Ефимов, С.Л.Невелова, М.М.Черемисина, М.А.Шапиро, А.Саъдий, А.Рустамов, Н.Маҳмудов, М.Мукаррамов, И.Ёрматов, М.Ёқуббекова, Д.Худойберганова сингари рус ва ўзбек олимларининг фикрлари илмий баҳоланди. Дунё халқлари тилшунослигида ўхшатишнинг таркибий қисмлари ҳар хил номлар билан қайд этилган бўлса ҳам, ҳар бирининг ифодалаган тушунчаси ўз қамровлари жиҳатидан бири-бирига зид эмас. Тадқиқотда ўхшатишнинг тузилмавий қурилиши, тил (матн)даги муносабатини кўрсатувчи унсурларнинг ўзига хос лисоний ифодалари ва тавсифларига, шунингдек, лексик-семантик мазмуни ва поэтик табиатига эътибор берилган. Таҳлил баёнида ўхшатиш турлари эркин ва анъанавий ўхшатишлар номи билан аталган.

Эркин ўхшатишлар халқ бахшисининг эпик қаҳрамонлар хатти-ҳаракатига муносабати, нигоҳи, кузатувчанлиги, бадий поэтик тахайюли, бадиҳагўйлик маҳорати, теран бадий дидининг маҳсули сифатида юзага келган ўхшатишларидир. Бундай ўхшатишлар бахшининг индивидуал маҳоратини намоён этувчи лингвомаданий бирлик сифатида дostonлар тилида алоҳида ўрин тутди. Бахши эпик баёнда ўз услубига хос хилма-хил ўхшатишлар яратади, бу ўхшатишлар оҳорлилиги билан ҳар қандай тингловчи-ўқувчини ўзига ром этади, муайян эпик қаҳрамонлар руҳияти, жисмоний ҳолати, характер-хусусияти ёки хатти-ҳаракатини ўқувчи кўз ўнгида яққол гавдалантиради. Қуйидаги мисолларда эркин ўхшатишларнинг гўзал намуналарини кузатамиз: *Шунда Хадича Тиллақиздан бу сўзни эшитиб, ердан темиртак топган қулдай бўлиб, чопиб орқасига қайта берди (М.а.:108); Бу аждаҳар авраган кишини ҳарчанд қайт дегани билан, кўзига қиздай кўриниб қайтмайди эмиш, деган гап бор эди (Р.:414);*

*Шозаргарнинг бу сўзини Шоқаландар эшитиб, ўзи индамасдан, ҳеч нима демай, телпаги қайқайиб, дамлаган танадай, дам бўлиб ўтирибди (М.а.:156) каби.*

Анъанавий ўхшатишлар дostonлар тилида ўзининг таъсирчанлиги ва ёркинлиги билан алоҳида ажралиб туради, ўта ноёблиги учун ўқувчи хотирасида қолади, уларда оригиналлик, образлилик ва экспрессивлик ҳамиша устунлик қилади. Бундай ўхшатишлар ўзининг жозибadorлиги ва кутилмаганлиги билан ўхшатиш эталони–поэтик рамз даражасига кўтарилган. Тадқиқотда «Ўзбек тили ўхшатишларининг изоҳли луғати»<sup>19</sup> ва тадқиқотчи тузган «Халқ дostonлари тили ўхшатишларининг изоҳли луғати»<sup>20</sup>даги лисоний материаллар асосида *ой, гул* каби ўхшатиш эталонларининг семантик ва лингвомаданий мазмуни қиёслаб ўрганилган.

Ўхшатишларнинг тузилмавий-семантик ва поэтик табиати, халқ бахшисининг улардан фойдаланишдаги маҳоратига хос муҳим жиҳатлар қуйидагича умумлаштирилди:

1. Ўхшатиш ҳодисаси миллий тафаккурнинг мантиқий амалиётларидан бири бўлиб, икки нарса, ҳодиса ёки тушунчанинг бирор жиҳатдан мос келишига асосланган тасвирий восита. Ўхшатишлар халқимизнинг ижодий тафаккури маҳсули сифатида ўзининг нафосати, ёркин жилоси билан лингвомаданий бирлик сифатида халқ дostonлари тилида фаол учрайди.

2. Ўхшатиш таркиби тўртта унсурдан иборат: ўхшатиш субъекти; ўхшатиш эталони; ўхшатиш асоси; ўхшатиш воситаси (лексик-грамматик воситалар). Ҳар бир унсурнинг лексик-семантик мазмуни, лисоний хусусиятлари ва поэтик табиати мавжуд.

3. Халқ дostonлари тилида ўхшатишларнинг икки тури: анъанавий ва эркин ўхшатишлар мавжуд. Бундай ўхшатишлар дostonларнинг эпик баёнида ихчамликка ва эмоционал таъсирчанликка эришиш учун бадийликни таъминлашда ёркин поэтик образ яратишга хизмат қилади.

4. Анъанавий ўхшатишларда *асос* ва *тимсол* иштирок этади. Ўхшатиш асоси (*белги*) матнда қатнашмайди, *восита* эпик баёнда бахши услубига кўра товланади. Бундай ўхшатишларда *асос* ва *тимсол* ўртасидаги нисбат мантиқий ва рамзий табиатига кўра умумбашарий ўлчовларга мос бўлади (юз – ой, маъшуқа – гул каби), матнда *асос* ҳам, *тимсол* ҳам кўпинча бир лексик бирлик билан ифодаланади.

5. Эркин ўхшатишлар одатдан ташқари, тархи тоза, оригинал ва камёб ўхшатишлар бўлиб, улар бахшининг маҳорати, кузатувчанлиги, фантазияси ва ижодий тафаккури ҳосиласи ўлароқ субъектив қиёс натижасида юзага келади. Бахшининг тил бирликларидан моҳирона фойдаланиши ва мантиқий далиллашдаги мутаносиблик эвазига бундай ўхшатишларнинг дostonлар тилидаги бадииятга, образлиликка ва эмоционал-экспрессивликка таъсири кучли бўлади.

<sup>19</sup>Маҳмудов Н., Худайбергана Д. Ўзбек тили ўхшатишларининг изоҳли луғати. – Тошкент, Маънавият, 2013. – Б. 59-61; 151-152

6. Эркин ўхшатишларда *асос* ҳам, *тимсол* ҳам, одатдан ташқари ёки баъзида *асос* анъанавий бўлади. Бундай ўхшатишларда ўхшатиш белгиларининг мослашиши учун кўшимча лексик бирлик қатнашади, бунда кўпинча *тимсол*нинг ва баъзан ҳам *асос*, ҳам *тимсол*нинг сўз бирикмалари билан ифодаланиши кузатилади.

7. Эркин ўхшатишларда танланган сўз бирикмаси мантиқий, грамматик, бадиий-эстетик талаблардан ташқари, эпик баёнда назм мезон-ўлчовлари мос келиши, матнда оҳангдошлик талабларига жавоб бериши зарур. Мантиқий ва бадиий такомилени топган бундай ўхшатишлар образлар ўртасидаги муносабатни ифодалашдан ташқари, образларнинг табиатини ҳам очиқ беришга хизмат қилади.

8. Достонлар тилида *менгайди* (*менгзар, менгзадим*), *ўхшайди* (*ўхшар, ўхшатдим*), *-дай бўп, -дай бўлиб, -дек бўлиб* каби лексик-грамматик воситалар ўхшатиш қурилмаларини ҳосил қилган. Бундай воситаларнинг матнда хилма-хил вариантларда қўлланилиши улар ҳосил қиладиган маъно нозикликларининг ранг-баранглигини таъминлаган ва ўз навбатида достонларнинг услубий хусусиятларини бойитган.

Ўзбек халқ достонлари тилида анъанавий сифатлашлар жуда фаол қўлланган, уларнинг эмоционал-экспрессивлик туғдириш хусусияти асрлар давомида сайқал топган. Буни биз *гул, ой, қизил, қора, оқ, олтин* каби анъанавий поэтик образ яратишда қўлланиладиган экспресемаларда, улар воситасида ифодаланган сифатлаш намуналарида ёрқин кузатдик.

Белги билдириш сифат сўз туркумига хос хусусият бўлганлиги учун ранг-тус билдирувчи тури бу соҳада пешқадамлик қилган. Халқ достонлари тилида фаол қўлланган *оқ, қора, қизил, қизғиш* сифатлаши ранг билдирувчи сўзлар сирасида фаоллиги билан фарқланишини, матнларда ўз ва кўчма маъноларда ишлатилганлигини, муайян сўз билан синтактик алоқага киришгандаги лисоний ҳолатларнинг мавжудлигини, унинг достонлар тилидаги экспрессив имкониятларини бахшининг «Малика айёр» достони мисолида аниқлашга ҳаракат қилинган.

Тадқиқ жараёнида достонлар тилидаги анъанавий сифатлашлар орасида эпик қаҳрамонларнинг куч-қудратини ифодаловчи элементлар алоҳида ажралиб турганлиги ва бу вазифани кучли ёввойи ҳайвонлар (*арслон, шер, қоплон* каби) номлари бажарганлиги кузатилди. Шунингдек, бахши достонлари тилига хос анъанавий сифатлашлар орасида металлларнинг номларидан *қумуш, тилла, олтин, олмос* сўзлари ҳам лисоний таянч бирлик сифатида фаол қўлланилганлиги аниқланди. Улар эпик қаҳрамонларнинг қурол-аслаҳалари ва от анжомлари номларига бирикиб сифатлашларнинг гўзал намуналарини ҳосил қилган. Достонлар тилида эпик қаҳрамонларга нисбатан фаол қўлланган *ботир, мард, азамат* сўзларининг сифатловчилик хусусиятлари ҳам эътиборга молик.

Достонлар тилидаги сифатлашларнинг бадиий-эстетик вазифаларига дахлдор кузатишлар қуйидагича умумлаштирилди: а) сифатлаш кўмагида эпик баёндаги объектни қайси жиҳатдан характерлаш ва фикр оқими ифодаси учун муҳим бўлса, шу жиҳатини бўрттириб, бўяб тасвирлаш асос

бўлган. Бу билан сўз заргари тингловчининг эътиборини ўзига жалб этиб, поэтик таассуротнинг кучайишига кенг йўл очиб берган; б) халқ дostonлари тилидаги сифатлашлар матнда бажарадиган бадий-эстетик вазифасининг муҳим ифодачиси бўлган сўз билан алоқага киришиб, лингвопоэтик мазмун-моҳият касб этган: ижобий ёки салбий бўёқдорлик, субъектив ёки объектив баҳо оттенкаларини ифодалайди. Ҳар бир поэтик сўз ўзига сифатлаш бириктирганда, албатта, муайян ғоя юкини ташийди ва уста бахши эпик қаҳрамоннинг субъектив баҳосини ифодалайди; в) халқ дostonлари тилида сифатлашлар фарзандга нисбатан қўлланилганда энг хосиятли ранглар, энг ижобий сифатлар силсиласини ташкил этади, баёнда суйиш ва ардоқлаш мотивини кучайтиришга, эпик қаҳрамон ҳис-туйғуларини янада таъсирчанроқ ифодалашга хизмат қилади.

Ишда метафора деб номланган нутқ ҳодисасининг дунёни бадий мушоҳада қилиш жараёнида юзага келувчи сўздаги номинатив маънонинг ўзига хос ҳосиласи эканлиги, сўзларнинг кўчма маънода қўлланилиши туфайли метафоранинг юзага келиши, уларнинг соф лингвистик табиати, услубий вазибалари ҳамда бадий турлари мавжудлигини эътироф этган умумдунё ва ўзбек тилшунослигидаги олимларнинг<sup>20</sup> фикр-мулоҳазалари илмий баҳоланган.

Дostonлар тилидаги метафораларнинг лисоний табиати ва бажарган услубий вазибалари хилма-хил: предмет маъносини билдирган метафоралар, асосан, аташ вазибасини бажарган; белги ва ҳаракат билан боғлиқ метафоралар эса экспрессивлик ва образлиликни ҳосил қилган. Метафораларнинг бадий вазибалари, асосан, иккита: биринчиси – дoston сюжети оқимига дахлдор эпик воқеликка ёки қаҳрамонга хос хусусиятни бетакрор, фавқулодда тасвирлаш; иккинчиси – ана шу тасвир, ифода воситасидаги эпик воқелик ёки қаҳрамон фаолиятини баҳолаш, унга муносабат билдириш. Фозил Йўлдош ўғли ана шу икки мезонга амал қилган ҳолда ўзининг юксак бадий маҳорати ва бадиҳагўйлиги билан метафораларнинг гўзал намуналарини ярата олган.

Халқ дostonлари тилидаги метафоралар ўхшашлик асосида номлари алмаштирилайётган икки нарса ва ҳодисанинг ўртасидаги боғлиқликнинг бадий тафаккур воситасида бахшиларнинг ижросида зуҳур бўладиган тасвирий восита сифатидаги лингвомаданий бирликдир. Ю.С.Степановнинг фикрича, «Метафоралар семантик жиҳатидан денотат, сигнификат, экспонент каби учта тушунчанинг ўзаро мутаносиб алоқасига асосланади»<sup>21</sup>. Айни мулоҳаза ўзбек олимлари томонидан ҳам қўллаб-

<sup>20</sup> Теория метафоры. – М.: Прогресс, 1990; Потебня А.А. Эстетика и поэтика. – М., 1976. – С.418-420; Томашевский Б.В. Стилистика и стихосложение. – Л., 1959. – С.230-234; Метафора в языке и тексте. Сборник статей. – М.: Наука. - 1988; Веселовский А.Н. Историческая поэтика. – М.: Высшая школа. 1989. – С.101-154, С. 275-276; Сапарбоев Н. Метафоры в эпосе «Манас» - АКД. – Фрунзе, 1975. – С. 22; Қобулжонова Г.К. Метафоранинг системавий лингвистик талқини. НДА. – Тошкент, 2000; Худойберганова Д.С. Матннинг мазмуний таркибида метафоралар // Ўзбек тили ва адабиёти, №1. – Тошкент, 2012. – Б. 35.

<sup>21</sup> Степанов Ю.С. Основы общего языкознания. – М.: Просвещение, 1975. – С. 7-20.

қувватланди. Уларнинг баъзи ишларида<sup>22</sup> учбурчак унсурларининг ўзаро муносабатини денотат ва экспонентни ўзаро қиёслаш билан аниқлаш мумкинлигидан самарали фойдаланганлигини кузатамиз. Ишда дostonлар тилидаги метафораларнинг семантик моҳиятини ўрганиш натижасида матндаги денотат (объектив борлиқдаги нарса), сигнификат (англатилган коннотатив маъно) ва экспонент (қўлланилган фонетик сўз)нинг моҳияти белги, инсон, нарса, ҳайвонот, муайян ҳаракат-ҳолат ва ҳодисотни билдирувчи номларда ифодаланганлигини кузатилди. Тадқиқ жараёнида халқ бахшиси қўллаган метафоралар асосан от, сифат, феъл ва бирикмали метафоралар эканлиги аниқланди.

Дostonлар тилидаги метафоралар тузилиш табиатига кўра икки хил: содда ва кенгайтирилган метафоралар. Ҳар иккала метафоралар ҳам халқ дostonлари матнидаги мавҳум тушунчаларни, эпик қаҳрамонларнинг муайян ҳис-туйғусини, эҳтирос ва ҳаяжонини, руҳиятини, бирор нарса ёки ҳодисотга муносабати ва баҳосини аниқ, ёрқин ва ўта таъсирчан тарзда ифодалашга хизмат қилган.

Ишда метонимия метафора сингари дostonларнинг бадиийлигини таъминлашдаги лингвомаданий бирликлардан бири эканлиги, тилимиздаги алоқадорлик, яъни боғлиқлик фақат бирор нарса – предметлар доираси билан чегараланиб қолмасдан, бу ҳол белги ва хатти-ҳаракатлар ўртасида ҳам мавжуд бўлиши мумкинлиги, шу боисдан ҳам алоқадорлик (боғлиқлик) асосида ном кўчиши, яъни янги маъно ҳосил бўлиши деярли ҳамма сўз туркумларига хос хусусият саналиши бир қатор лисоний мисоллар орқали далилланган.

Тадқиқ жараёнида халқ дostonлари тилидаги предмет билдирувчи сўз (от)ларда метонимия асосида ном кўчиши ҳолати энг фаол саналиши ва улардаги алоқадорлик қуйидаги кўринишларга эгаллиги аниқланди: 1) тилимизда баъзан бирор ҳаракат, ўйин объекти шу ҳаракат, ўйиннинг ўзига кўчиши; 2) муайян ҳаракат-ҳодисанинг номи шу ҳаракат-ҳодиса бажариладиган вақтга кўчирилиши ҳодисаси, яъни, хатти-ҳаракат ёки ҳодисанинг бажариладиган вақт шу ҳаракат-ҳодисанинг номи билан аталиши; 3) бирор нарса-предметнинг номи шу нарса учун асосий (характерли) бўлган белги-хусусиятга ном сифатида кўчиши; 4) бирор нарса-предметнинг ўзи жойлашган ўрнини билдирувчи сўз билан аталиш ҳоллари ҳам учраши; 5) муайян нарса-предметлар, белгилар, ҳаракатлар ўртасида фақат ўхшашлик ёки фақат алоқадорлик эмас, балки булардан ҳар иккаласи ҳам бўлиши мумкинлиги; 6) метонимия ҳодисасининг сон, замон муносабатига кўра ўзаро боғланган предметлар, тушунчалар мавжудлигидан ҳосил бўлганлиги.

Ишда метонимиялар яратишнинг етакчи шартли, яъни нутқнинг тежаш принципига асосланганлиги, дostonлар матнидаги метонимияларнинг қўлланиши фақат эпик тасвиргагина эмас, балки қайта номлашга ҳам

---

<sup>22</sup>Қобулжонова Г.К. Метафоранинг системавий лингвистик талқини: НДА. – Т., 2000. – Б. 21; Якубекова М.М. Ўзбек халқ қўшиқларининг лингвопоэтик хусусиятлари: ДД. – Тошкент, 2005. – Б.144-181.

қаратилганлиги очиб берилди. Улар кўчма маъно ҳосил қилишда, қаҳрамонларнинг муайян хатти-ҳаракатларини тасвирлашда лўнда, ифодали, таъсирчан баён қилишнинг бир воситаси сифатида бадиий-услубий вазифасини ҳам бажарганлиги далилланди.

Тадқиқотда дostonлар тилидаги паремиологик бирлик (ПБ)ларнинг қўлланиши, лисоний хусусиятлари, вариантлашуви ва семантик табиати тегишли мисоллар орқали таҳлил қилинган, бу борадаги кузатишлар қуйидагича умумлаштирилди:

1. Дostonлар тилида ПБларнинг икки хил намуналари учрайди: а) адабий тилда ва шеваларда фаол қўлланадиган намуналар; б) дostonлар тилида учрайдиган, лекин мантиқан ҳозирги ПБларга тенг келадиган намуналар. Ҳар иккала намуналар дostonлар тилининг лингвопоэтик хусусиятларини очиб беришда муҳим манба саналади.

2. Дostonлар тилидаги ПБлар тузилишига кўра содда ва мураккаб компонентлардан иборат. Бундай паремаларни семантик хусусиятига кўра уч хил: фақат кўчма маънода қўлланадиган; ўз маъносида ҳам, кўчма маънода ҳам қўлланадиган; шунингдек, фақат ўз маъносида қўлланадиган намуналарга ажратиш мумкин.

3. Халқ бахшиси дostonларнинг ижроси жараёнида қўлламоқчи бўлган муайян паремадаги бирор сўзнинг ўрнига ўшанга ўхшаш бошқа бир сўз билан ёки улардаги грамматик кўрсаткичларни вариантлари билан алмаштириш орқали янги-янги вариантларини ярата олганлигини кузатилди. Бундай усул орқали юзага келган паремаларнинг хилма-хил вариантлари дostonлар матнида анчагина эканлиги аниқланди. Улар: а) сўз алмаштириш натижасида ҳосил бўлган лексик вариантлар; б) сўз яшаш элементларини алмаштириш натижасида ҳосил бўлган вариантлар; в) грамматик кўрсаткичларни алмаштириш натижасида ҳосил бўлган вариантлар; г) шаклий-тузилишдаги вариантлар.

4. Дostonлар тилидаги ПБлар грамматик замон, майл, нисбат, шахсон категориялари, уларнинг интонацияси ҳам одатдаги бошқа матнлардан фарқ қилади. ПБлар шаклан қайси замонни кўрсатишига қарамасдан, ҳар доим умумий замонни ифодалайди, уларнинг кесими иккинчи ёки учинчи шахсни кўрсатса ҳам, мазмунан умумхалқ ёки кенг жамоатчиликка қаратилган бўлади ва шахси умумлашган гапларни ҳосил қилади.

Ишда стилистик формулаларнинг тузилмавий-поэтик табиати ўрганилганда дунё илмида кенг қўлланилган «*стилистик формула*», «*формулавий услуб*», «*барқарор универсал формулалар*» каби атамалар билан боғлиқ фикр-мулоҳазалар ва қарашлар М.Пэрри, А.Лорд, Е.В.Мякишева, В.М.Жирмунский, Х.Т.Зарипов, Т.Мирзаев, С.Рўзимбоев, А.Сиддиқов, Ш.Маҳмадиев сингари ўзбек, рус ва бошқа халқлар лингвофольклористларининг фикрлари умумлаштирилиб, ягона қараш илгари сурилган.

Дostonлар тилида фаол қўлланган стилистик формулалар (СФ) таркиблари – анъанавий сўз, сўз бирикмаси, қайтариқ мисра формулаларидан иборат, юзаки қараганда, улар матндаги поэтик

такрорларга ўхшаб кетади. Аммо уларнинг оддий поэтик такрорлардан фарқи бор: бу фарқ – СФ таянч бирликлар эканлигида. Ҳар қандай СФ такрор бўлиши мумкин, лекин дostonлар тилидаги ҳар қандай поэтик такрор СФ вазифасини бажара олмайди. СФдаги сўз, сўз бирикмаси, мисравий формулаларни яхлит поэтик тизим сифатида фольклоршуносликда ўрганилган, айти масалани лингвофольклористикада ҳам тадқиқ этиш муайян долзарблик касб этади. Чунки халқ дostonлари тилидаги ҳар қандай анъанавий СФда, албатта, бирорта анъанавий сўз ёки сўз бирикмаси, қайтариқ мисра формуласи мавжуд бўлади, улар СФнинг ҳам мазмун, ҳам тузилиши жиҳатидан яхлитлигини таъминлашга хизмат қилади. Тадқиқотда СФнинг айти хусусиятлари яхлит поэтик тизим сифатида қуйидагича ўрганилди:

1. Сўз формулалар. Дostonлар тилида *сўлдирма, тарзинг, яхши(роқ), қолмади* каби сўз формулалар ёки формулавий сўзлар фаол учраганлиги аниқланди ва ишда уларнинг лисоний хусусиятлари мисоллар асосида таҳлил қилинди.

2. Сўз бирикмасидан иборат формулалар. Дostonлар тилидаги *гуллар сўлмоқ, гунча сўлмоқ, олмадай сўлмоқ, атлас-кимхоб киймоқ, ақл-хушни олмоқ, кўп яшамоқ, кулбахонаси куймоқ, дўст йиғлатмоқ, от чопса гумбурламоқ, устига киймоқ, худо қози, шабгир нойиб, шойи-шолдам ўрамоқ, даврон келмоқ, фалак урмоқ* каби сўз бирикмасидан иборат СФларнинг баъзи намуналари ишда таҳлил қилинди.

3. Қайтариқ-мисравий формулалар. Дostonлар матнида учрайдиган, мисралар такроридан юзага келган бундай формулалар бандлар сўнгида айнан такрорланиб, эпик қахрамонлар нутқидаги, ижрочи баёнидаги фикрларнинг яхлитлигини таъминловчи ёки хулосаларни ифодаловчи лингвостилистик усул саналади. Ишда *«Ичилди майдон ичинда»*; *«Ўзга дамни дам дема»*; *«Хазон бўлиб боғда гуллар сўлмасин»*; *«Жургин Асад, ният майдон, бораик!»*; *«Кумушдандир қарчигайнинг чегаси»*; *«Бефарзанднинг кўрган кунни зоями»*; *«Боғбон бўлиб қизил гулни тераман»*; *«Қингир деган қуш ўтирар қияда»*; *«Шум фалак бошима савдо солибди»*; *«Майдон бўлмай, бедов отлар чопилмас»*; *«Яхшилик кўр, ёмонликни кўрмагин»* каби қайтариқ-мисравий формулалар таҳлил этилди.

Халқ бахшисининг бадиҳагўйлиги учун СФлар жуда кенг имкониятлар берган, индивидуал ижод бобида ўзига хос услубларни яратишга, бадий тафаккури, қувваи ҳофизасини оширишга замин тайёрлаган.

Диссертациянинг тўртинчи боби **«Фозил Йўлдош ўғли дostonлари тилида сажъ санъати ва такрорий бирликларнинг лингвопоэтик имкониятлари»** деб номланган ва унда шоирнинг сажъ санъатини қўллашдаги индивидуал услубини, қахрамонлар нутқида қайдаражада қўлланишини аниқлашга, матндаги лисоний хусусиятларни ёритишга эътибор қилинган, бадий такрорнинг шакллари, лисоний ва лингвопоэтик табиати, бадий-эстетик вазифалари ҳақидаги кузатишлар баён этилган.

Тадқиқ жараёнида достонлардаги сажъланган сўзлар, асосан, феъл сўз туркуми, хусусан, ўтган замон аниқ феълнинг бўлишли ва бўлишсиз шакллари, узоқ ўтган замон аниқ феъли, келаси замон аниқ феъли, буйруқ феъли, истак майлидаги феъл, шарт майлидаги феъл, феълнинг функционал формалари, ўтган замон сифатдоши (-ган) шаклидаги сўзлар, ўтган замон равишдоши (-б,-иб) шаклидаги сўзларнинг сажъланиши орқали ифодаланганлиги кузатилди ва улар тегишли лисоний далиллар асосида таҳлил этилди.

Тадқиқ жараёнида достонлар тилида сажъланган сўзларнинг яна бир қисми от сўз туркумига мансублиги аниқланди. Кўпчилик ўринларда турдош отларнинг турланган формалари, атоқли отларнинг ўзи (масалан, эпик қахрамон ва ўрин-жой номлари) ҳам сажъланганлиги кузатилди. Достонлар тилида сажъланиш эргаш гапли қўшма гапдаги уюшган бош гаплар таркибида ҳамда қўшма гапнинг кўчирма гап таркибидаги кесимларида қўлланилганлиги ҳам кузатилди. Шунингдек, сажъланган бўлак воситали ва воситасиз тўлдирувчилар билан ифодаланиши, баъзи ўринларда равиш ва ўрин ҳоллари сажъланганлиги ҳам аниқланди.

Достонлар тилида қўлланган сажъ характери жиҳатидан содда ва мураккаб. Бундай сажълар матнда бажарган вазифалари жиҳатидан жиддий фарқланмайди, уларнинг қўлланилиш даражаси бир хил эмас. Ҳар иккала типдаги сажъ матнда қуруқ риторик фигура бўлиб қолмайди, маълум бир ғояни очишга, муайян ғоявий-бадий ва эмоционал-экспрессивлик вазифасини бажаришга, лингвопоэтик қиммат касб этишга хизмат қилади.

Достонлар тилидаги такрорий бирликлар матнни шакллантирувчи, унинг мазмуний ва интонацион бутунлигини таъминловчи восита сифатида бир қатор бадий-эстетик вазифаларни бажаришга хизмат қилган. Ишда достонлар матнидаги мисраларда такрорланиб келган фонемалар характери ва жойлашувига кўра вокал ва консонант аллитерация, монорим ва ассонанс сингари шаклларига эгаллиги лисоний далиллар билан шарҳланди. Тадқиқ жараёнида достонлар тилида ундош товушларнинг такрорланиши орқали фонетик такрорларнинг қуйидаги шакллари ҳам фаол учраганлиги кузатилди: 1) бир хил ундош товушларнинг такрорланиши – аллитерация ҳодисаси орқали; 2) мисрадаги ҳар бир сўзда оҳангдош ёки бир хил товушнинг (масалан, **м, н, б** каби) такрорланиши орқали; 3) тўрт мисрали бир банднинг биринчи мисраси бошқа товуш билан бошланган, лекин қолган ҳар учаласи бошқа товуш билан бошланиб такрорланиши (А-Б-Б-Б шакли) орқали; 4) тўрт мисранинг учала банди бошқа товуш, қолган биттаси бошқа товуш билан такрорланиши орқали (А-А-А-Б ёки А-А-Б-А шаклида); 5) геминация, яъни достонларнинг эпик қахрамонлари нутқида фаол қўлланадиган фонетик усуллардан бири орқали.

Тадқиқотда фонетик такрорлар ҳақидаги кузатишлар қуйидагича умумлаштирилди: 1) фонетик такрорлар достонлар матнида тизма шаклни уюштиришга фаол иштирок этган услубий фигуралардан бири; 2) унинг таркибидаги фонетик аллитерация, монорим ва ассонанс каби шакллар такрорий товушларнинг табиати сифатида вазифавий-услубий жиҳатдан

бирлаштирувчи ҳалқа саналади; 3) мазкур услубий шакллар мисра таркибидаги сўзлараро ҳамда мисралардаги қофиядош сўзлар ўртасида бир хил оҳанг ҳосил қилиши билан характерланади; 4) фонетик такрорларнинг табиатидаги бундай етакчи хусусиятлар таҳлилга жалб этилган достонларнинг услубий хусусиятларини янада бойитишга хизмат қилган.

Ишда достонлар тилидаги морфологик такрорнинг эпаналепсис, полиптотон, анафора усуллари, шунингдек, морфологик эпифора, морфологик-параллел такрорий бирликларнинг лисоний ва лингвопоэтик табиати ҳақида сўз юритилган. Шунингдек, тадқиқотда синтактик такрорлар матнда тугал мазмунни ифодалаган содда ёки мураккаб гапнинг битта ёки ундан ортиқ мисралар тўлиқ банд этган ҳолдаги такрорланишига асосланиши, нутқ таъсирчанлиги ва ифодалилигини оширишга хизмат қиладиган бундай такрорий бирликларнинг анъанавий достонлари тилида ҳам фаол учраганлиги қатор лисоний далиллар билан шарҳланган. Бу борадаги кузатишлар қуйидагича умумлаштирилган: 1. Синтактик такрор матнни уюштиради, қолиплайди, яхлитлаштиради. Кўпинча улар СФ шаклини олади. 2. Матндаги асосий фикрни таъкидлайди. 3. Оҳангдорликни, уйғунликни юзага келтиради. 4. Шу тариқа экспрессив-эмоционал таъсирчанликни таъминлайди, лингвопоэтик қиммат касб этади.

## ХУЛОСА

1. Булунғур достончилик мактабининг истеъдодли вакили Фозил Йўлдош ўғли достонлари тилида «Она тилимизнинг луғат бойлиги, бадийий имкониятлари, унинг гўзаллиги ва нафосати янада ёрқин намоён бўлганини таъкидлаш лозим».<sup>23</sup> Достонлар лексикасида ўтмиш ижтимоий-тарихий давр урф-одати, этнографияси, тили, маънавияти ва маданиятига дахлдор лисоний ифодалар мавжуд.

2. Тадқиқ қилинган достонлар ўзига хос лексик қатламларга эга эканлиги, халқ тили ва қипчоқ шевасига мансублиги, бадийий-эстетик қимматга дахлдорлиги билан қадрланади. Достонлар лексикаси генеологик қатламига кўра икки (ўз ва ўзлашган) қатламга бўлиб ўрганилди. Ҳар иккала қатламга мансуб сўзлар достонлар тилининг бадииятини, лисоний таъсирчанлигини оширишга хизмат қилган.

3. Достонлар тилидаги лексемалар муайян номинатив-тавсифий вазифа бажарган: бадийий тасвири янада жонлантиришга, нутқ объектига нисбатан ижобий ёки салбий муносабатни ифодалашга эришган; муболағали тасвирлар яратиб, кесатик, киноя, юморни ҳам юзага келтирган.

4. Ўзбекистондаги достончилик мактабларининг йирик вакиллари достонлари тилини компьютер технологиялари асосида ўрганиш, тўпланган тажрибаларни таҳлил ва талқин қилиш масалалари ҳозирги тилшунослигимиз олдидаги муҳим ва долзарб вазифаларидан ҳисобланади.

<sup>23</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони. // Тошкент: Халқ сўзи, 2016 йил 14 май.

5. Достонлар тили бўйича тузилган лексикографик манбаларнинг афзаллиги унда бошқа тилдаги шундай типдаги луғатларнинг биронтасида, ҳатто диалектал луғатларда ҳам ўз ифодасини топмаган луғавий бирликларга дуч келинади. Ана шу жиҳати билан у бошқа типдаги анъанавий луғатлардан принципиал фарқ қилади. Аслида, бу элементлар ҳам умумхалқ тилининг ажралмас қисми ҳисобланади.

6. Таҳлилга жалб этилган достонларнинг электрон матнлари, улар асосида тузилган сўзлик, алфавитли, частотали, терс луғатлардаги материаллар бахшининг ижодий манерасини белгилашга, тилдан фойдаланиш маҳорати ҳақида муайян илмий-амалий хулосалар чиқаришга асос бўла олади.

7. Замонавий компьютернинг махсус дастурлари ёрдамида тузилган ва нашр қилинган лексикографик манбалар халқ бахшисининг услубига хос бўлган грамматик воситалар кўламини тасаввур қилишга, муайян лексик бирликнинг ҳам адабий тилдаги, ҳам оғзаки нутқдаги ва айниқса, халқ шеvasига хос вариантнинг кўлланиш даражасини аниқлаш имкониятини берди. Таҳлилга жалб этилган достонлар матни бўйича лингвостатистик таҳлил олиб бориш шоирнинг бошқа достонлари тили билан ёки бошқа халқ бахшилариининг достонлари тили билан солиштириб ўрганишда муҳим манба бўлиб хизмат қилди.

8. Достонлар тилида СФлар халқ бадий тафаккурининг яхлитланган ва ихчамлашган лисоний махсули сифатида етакчи роль ўйнаган, улар уч типдаги композицион формулалар: сўз, сўз бирикмали ва такрорий мисралар доирасида яратилган. Бундай формулалар достонлар сюжетининг эпик баёнидаги шеърий қисмининг асосини ташкил қилган.

9. Бахши достонлари тилида метафорик кўлланиш натижасида эмоционал-экспрессив маъно ҳосил қилувчи сўзлар фаол учрайди, улар орасида зооморфизмлар асосий ва етакчи йўналишни ташкил этган.

10. Иборалар достонларнинг услубий хусусиятлари ва луғат бойлигини бойитишга хизмат қилган. Уларда эпик қаҳрамон тана аъзолари, фаолияти ва руҳияти, оти ва кийим-кечаги, осмон, ер жисмлари билан боғлиқ иборалар микромайдон сифатида муайян гуруҳларга бирлашган.

11. Тилшунослигимизда халқ достонлари тилидаги нутқнинг норасмий унсурлари (масалан, қарғиш, сўкиш, норозилик ифодалари) ҳанузгача мутлоқо ўрганилмаган.

12. Достонлар тилида поэтик кўчимларнинг кўп қўлланганлиги бахшининг оғзаки шеъриятнинг қадимий анъаналари ва Булунғур достончилик мактаби таъсиридан, мумтоз шеъриятнинг мафтункор табиатидан нечоғлик баҳраманд бўлганлигини кўрсатади. Достонлар тилидаги поэтик кўчимларнинг ҳаммаси халқ бадий тафаккури, бадий олами, бадий идрок этиш тарзининг самарасидир

13. Достонлар тилида кўчимларнинг кўлланиш доираси икки хил: бахшининг эпик баёнида ва муайян қаҳрамоннинг нутқида намоён бўлади. Сўз заргарининг эпик қаҳрамонлари нутқи достонлар сюжети воқеаларининг моҳиятини очишга, уларнинг динамикасини таъминлашга,

энг муҳими, қаҳрамонлар руҳиятини, дунёқарашини ёритишга, оламга, макон ва замонга, бошқа қаҳрамонларга бўлган ижобий ёки салбий муносабатларини очиб беришга хизмат қилган.

14. Достонлар тилидаги лингвомаданий бирликлардан ўхшатиш турли объектлар ўртасида юзага келади. Улар: а) жонли ва жонсиз нарсалар ўртасида; б) ҳолатлар ўртасида; в) табиат ҳодисалари билан инсон руҳияти ўртасида; г) инсон характерини очишда предметларнинг белгиси ўртасида. Шуниси эътиборлики, ўхшатишларда ўхшатиш объекти ҳам, ўхшатиш образи ҳам халқ тилидан, унинг оғзаки нутқидан олинган. Айти шу ҳолат достонлар тилининг халқчиллигини таъминлашга ва бадиий-эстетик жиҳатдан юксак даражада бўлишига хизмат қилган.

15. Метафоралар лингвомаданий бирликлар орасида энг характерли, эмоционал-экспрессивликни ифодалашда лингвомаданий бирликлардан бири сифатида достонларда бахшининг юксак маҳорати, кучли қувваи ҳофизаси ва теран заковати натижасида намоён бўлган. Метафорадаги ассоциацияга кўра номлаш, образли тасвирлаш, экспрессивлик, ифодалаш хусусиятлари эпик қаҳрамонларнинг ҳис-туйғуси ва кайфиятини аниқ, ёрқин, ихчам, таъсирчан тарзда тингловчи (ўқувчига) етказиб бериш имконини берган.

16. Тадқиқ қилинган достонлар тилидаги метонимиялар матнда кўчма маъно ҳосил қилишда, сюжет оқими билан алоқадор ғояларни, эпик қаҳрамонларнинг муайян хатти-ҳаракатларини тасвирлашда лўнда, ифодали, таъсирчан баён қилишнинг бир воситаси сифатида бадиий-услубий вазифа бажарган.

17. Таҳлилга жалб этилган достонлар тилидаги сифатлашлар образлилик, эмоционал-экспрессив таъсирчанлик, ассоциатив таассуротлар туғдириш йўлида танланган махсус тафсил ёки тимсолнинг муайян достондаги мотивация учун муҳим бўлган белги ва хусусиятларини таъкидлаб кўрсатишга хизмат қилган.

18. Фозил шоир куйлаган достонлар тилидаги такрорий бирликлар камровидаги унсур ва фигураларнинг вазифадошлиги, лисоний хусусиятларига кўра бир неча хил шаклларда содир бўлган: а) фонетик шакл фонемаларнинг мисра ичидаги ёки мисралараро қайталанишига асосланувчи стилистик фигуралар мажмуидан иборат; б) морфологик шакл муайян сўз ёки сўзларнинг бир, икки ёки ундан ортиқ мисраларда қайтадан такрорланиши билан боғлиқ стилистик усул саналади; в) синтактик шакллар тугал мазмунни ифодалаган ёки мураккаб гапнинг битта ёки ундан ортиқ мисраларнинг тўлиқ ҳолдаги такрорланишига асосланган. Бундай бирликлар достонлар матнида эпик қаҳрамонлар нутқи жозибadorлигини оширишга ва бахши ижроси маҳоратини намоёиш этишга хизмат қилган.

19. Халқ достонларидаги сажъланишлар насрий матнга хос оҳангдорлик ва равонликни таъминлаган, насрий баён билан назмий баён ўртасидаги фарқни силлиқлашга, камайтиришга замин тайёрлайди.

20. Келажакда нафақат Фозил Йўлдош ўғли, балки бошқа достончилик мактаби вакиллари ижро этган достонлар тили атрофлича ўрганилиши

лозим. Шундай йўл билан тилшунослигимизда фундаментал назарий ишлар яратиш, уларнинг кенг қамровли изоҳли, статистик, диалектал ва бошқа типдаги лексикографик манбаларини тузиш ва тадқиқ этиш имкони туғилади.

21. Диссертация натижаларидан келиб чиқиб, қуйидаги таклиф ва тавсияларни илгари суриш мумкин: ўзбек тили луғат бойлигида халқ дostonлари тили етакчи манбалардан бири бўлганлиги боис улар кенг қамровда лексик-семантик, лингвостатистик, лингвостилистик, лингвокультурологик ва лингвопоэтик таҳлиллар асосида алоҳида-алоҳида тадқиқ этилиши лозим. Бу ўзбек тилшунослиги ривожини янада юқори поғонага кўтариши билан бирга халқ тили ва адабий тилнинг жамият, тарих, маънавият, маданият, урф-одат, маросим, руҳият, миллий анъана ва менталитет билан узвийлигини кўрсатишга хизмат қилади. Бунда халқ дostonлари тилининг лисоний тадқиқи бўйича қуйидаги илмий-назарий ва амалий муаммоларни монографик аспектда таҳлил этишни тавсия этамиз: «Халқ дostonларидаги лексемаларнинг луғавий-маъновий таҳлили», «Халқ дostonлари тилининг генеологик қатламлари», «Халқ дostonлари матнининг лингвостатистик таҳлили», «Ўхшатишлар – лингвомаданий бирлик сифатида», «Халқ дostonлари тилида стилистик формулаларнинг лингвопоэтик имкониятлари», «Халқ дostonлари тилида бадий такрорлар», «Халқ дostonлари тилида паремиологик бирликлар», «Халқ дostonлари тилида барқарор стилистик формулалар», «Халқ дostonларининг лексикографик манбалари», «Халқ дostonлари тили ўхшатишларининг изоҳли луғати», «Халқ дostonлари тилининг изоҳли луғати» ва бошқалар.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017 Fil.19.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
СТЕПЕНИ ДОКТОРА НАУК ПРИ ТАШКЕНТСКОМ  
ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКСКОГО ЯЗЫКА И  
ЛИТЕРАТУРЫ ИМЕНИ АЛИШЕРА НАВОИ**

---

**ДЖИЗАКСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ  
ИНСТИТУТ**

**ЖУМАНАЗАРОВА ГУЛЖАХОН УМУРЗОКОВНА**

**ЛИНГВОПОЭТИКА ЯЗЫКА ДАСТАНОВ ФАЗЫЛА ЮЛДАША ОГЛЫ  
(лексико-семантический, лингвостилистический и лингвостатистический анализ)**

**10.00.01 – Узбекский язык**

**АВТОРЕФЕРАТ ДОКТОРСКОЙ (DSC) ДИССЕРТАЦИИ  
ПО ФИЛОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент – 2017**

**Тема докторской диссертации (DSc) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № B2017.1.DSc/Fil1**

Докторская диссертация выполнена в Джизакском государственном педагогическом институте имени Абдуллы Кадыри.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекских, русский, английский (резюме)) размещён на веб-странице по адресу <http://ik-filol.nuu.uz> и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу [www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)

**Научный консультант:** **Каримов Суюн Амирович**  
доктор филологических наук, профессор

**Официальные оппоненты:** **Маматов Абдимурод Эшанкулович**  
доктор филологических наук, профессор

**Холманова Зулхумор**  
доктор филологических наук, профессор

**Хакимов Мухаммадхон Хужахонович**  
доктор филологических наук, профессор

**Ведущая организация:** **Андижанский государственный университет**

Защита диссертации состоится «\_\_» \_\_\_\_\_ 2017 года в \_\_\_\_ часов на заседании Научного совета по присуждению ученой степени доктора наук DSc.27.06.2017 Fil.19.01 при Ташкентском государственном университете узбекского языка и литературы имени Алишера Навои по адресу: г.Ташкент, улица Университет, 4. Тел.: (99871) 246-63-58; факс: (99871) 246-53-21; e-mail: [tdutau\\_nazorat@edu.uz](mailto:tdutau_nazorat@edu.uz)

С докторской диссертацией (DSc) можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентском государственном университете узбекского языка и литературы имени Алишера Навои (зарегистрирована за № \_\_) Адрес: 100174, г. Ташкент, улица Университет, 4. Тел.: (99871) 246-63-58

Автореферат диссертации разослан «\_\_» \_\_\_\_\_ 2017 года.  
(реестр протокола рассылки от «\_\_» \_\_\_\_\_ 2017 года)

**Ш.С.Сирожиддинов**  
Председатель научного совета по присуждению  
ученых степен, доктор филол.наук, профессор

**Ё.Р.Одилов**  
Ученый секретарь научного совета  
по присуждению ученых степен,  
доктор филол.наук

**Н.М.Махмудов**  
Председатель научного семинара при научном  
совете по присуждению ученых степен,  
доктор филол.наук, профессор

## ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской диссертации)

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В мировой лингвистике исследование языка эпоса и связанных с ним лексических единиц, составление лексикографических источников путём создания электронных текстов, определение и классификация состава лексических пластов, проведение лингвостатистического анализа, анализ употребления лингвокультурных единиц и их лингвокультурологических особенностей являются важнейшими факторами обеспечения развития отрасли.

В годы независимости «возрождение необъятного, бесценного духовного и культурного наследия наших предков стало приоритетной задачей государственного уровня»<sup>24</sup>. В частности, одной из важных проблем стало определение места дастанов, рассказывающих о прошлом нашего народа, в истории общества и народа, подготовка и издание многотомных образцов дастанов, освещение их научной и художественно-эстетической цели. Результаты исследований по определению художественно-эстетической природы и лингвопоэтических особенностей лингвокультурологических единиц языка дастанов стали одним из источников создания «Толкового словаря узбекского языка», «Толкового словаря сравнений языка народных дастанов».

В мировом языкознании всё большее внимание языковедов привлекает лингвопоэтика, изучающая художественно-эстетические функции языковых (фонетических, морфемных, лексических и других) единиц. В частности, изучены типологические особенности дастанов, критерии использования лингвокультурологических единиц и их функций в тексте. Определение языковых и художественно-эстетических особенностей языка народов дастана, обоснование поэтического мастерства сказителя в использовании лингвокультурологических единиц определяют актуальность темы. В этом смысле, появляется необходимость раскрытия языковых пластов лексики дастанов Фазыла Юлдаша оглы, определения их функционально-семантических особенностей, создания лексикографических источников дастанов, определения частоты использования лексико-грамматических единиц, определения структурно-семантических особенностей, проведения лингвопоэтического анализа, и, в свою очередь, информирования об этом всемирное научное сообщество.

Данное диссертационное исследование в определенной мере служит выполнению задач, указанных в постановлении Кабинета Министров Республики Узбекистан №222 от 7 октября 2010 года «Об утверждении Государственной программы по охране, сохранению, пропаганде и использовании объектов нематериального культурного наследия на 2010-2020 гг.», постановлении Президента Республики Узбекистан ПП-2789 «О мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности Академии наук, организации, управления и финансирования научно-исследовательской

---

<sup>24</sup> Каримов И.А. Маънавий кадрятлар ва миллий ўзликни англашнинг тикланиши // Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. – Тошкент: Ўзбекистон, 1998, т.6. – Б.125.

деятельности» от 17 февраля 2017 года, требованиях указа Президента УП-2995 «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы хранения, исследования и пропаганды древних рукописных источников» от 24 мая 2017 года, указе Президента Республики Узбекистан УП-4797 от 13 мая 2016 года «Об организации Ташкентского государственного университета узбекского языка и литературы имени Алишера Навои» и других нормативных актах.

**Соответствие исследования с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики.** Диссертационное исследование выполнено согласно приоритетному направлению развития науки и техники республики 1. “Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики”.

**Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертаций<sup>25</sup>.** Научные исследования, направленные на изучение языковых, типологических и лингвопоэтических особенностей крупных эпических произведений проводятся в ведущих научных центрах и высших учебных заведениях мира, в частности, Akademy of Korean Studies Grand (South Korea), Жанубий, Harvard University (USA), University of California (USA), University of Bonn (Germany), University of Garvard (USA), University of University of Oslo (Norway), University of Vena (Austria), University of Indiana (USA), Vilniaus universitetast (Litva), Київський національний університет (Украина), Baki Dovlet Universiteti (Азербайджан), Московский государственный университет, Санкт-Петербургский государственный университет, Воронежский государственный университет, Петрозаводский государственный университет (РФ), Казахский национальный университет (Казахстан), а также Ташкентский государственный университет узбекского языка и литературы имени Алишера Навои, Институт узбекского языка, литературы и фольклора АН РУз (Узбекистан).

В результате научно-исследовательских работ по изучению языка и поэтики эпоса народов мира, лингвопоэтической природе и художественно-эстетических задач лингвокультурных единиц получены следующие научные и практические результаты: определены своеобразные особенности, общие черты и генезис сюжетного строения узбекского дастана “Алпамыш” и корейского “Жумонг”, доказана связь историко-генетических основ корейского эпоса с древними тюркскими эпическими традициями (Akademy of Korean Studies Grand); выдвинуты важные заключения о сравнительно-типологической природе, истории формирования и источников народных дастанов, в сфере уточнения генезиса эпоса (University of Bonn, Германия; Гарвардский университет, США); доказано, что крупные эпические произведения являются образцом нематериального культурного наследия, отражающим в себе историю определенного эпоса, тенденции его развития,

---

<sup>25</sup> Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи [www.universityofcalifornia.edu](http://www.universityofcalifornia.edu), [www.harvard.edu](http://www.harvard.edu), [www.indiana.edu](http://www.indiana.edu), [www.intl.aks.ac.kr](http://www.intl.aks.ac.kr), [www.uni-bonn.de](http://www.uni-bonn.de), [www.uio.no/english](http://www.uio.no/english), [www.univie.ac.at/en](http://www.univie.ac.at/en), [www.vu.lt](http://www.vu.lt), [www.bsu.edu.az](http://www.bsu.edu.az), [www.univ.kiev.ua](http://www.univ.kiev.ua), [www.msu.ru](http://www.msu.ru), [www.spbu.ru](http://www.spbu.ru), [www.vsu.ru](http://www.vsu.ru), [pertsu.ru](http://pertsu.ru), [www.kaznu.kz](http://www.kaznu.kz), [www.navoiy-uni.uz](http://www.navoiy-uni.uz) сайт ва бошқа манбалар асосида амалга оширилди.

своеобразного развития национально-поэтического мышления и взаимосвязи с художественными традициями других народов (University of Colifornia; Университет Индианы, США); изучены описательно-выразительные средства языка поэм (Vilniaus universitetast, Литва; Київський національний університет, Украина); раскрыты вопросы языка фольклора, языка фольклорных жанров, языка и стиля фольклора и литературных произведений (Московский государственный университет, Санкт-Петербургский государственный университет, Воронежский государственный университет); проанализирован генезис и законы развития метафоры, особенности его использование в языке, различных стилистических типах речи (Київський національний університет, Украина; Московский государственный университет, Санкт-Петербургский государственный университет, РФ); исследованы генезис и законы развития метафоры, использование в языке, речи различных стилистических типов метафор, функции метафор в тексте (Київський національний університет, Украина; Московский государственный университет, Санкт-Петербургский государственный университет, РФ); научно обоснованы строение, лингвистическо-поэтическая природа, нормы использования и художественно-эстетические функции эпитетов (Московский государственный университет, РФ); сравнения, метафоры, пословицы и фразеологические единицы, речевые этикетки в составе текстов изучены как лингвокультурные единицы (Казахский национальный университет, Казахстан; Bakı Dövlət Universiteti, Азербайджан); обоснованы лингвокультурологические особенности лингвокультурных единиц в языке (Ташкентский государственный университет узбекского языка и литературы имени Алишера Навои, Институт узбекского языка, литературы и фольклора АН РУз).

В мировой лингвофольклористике проводятся исследования по приоритетным направлениям изучения лингвистических особенностей крупных эпических произведений, в частности: изучение роли языка в определенной этнокультуре, истории общества и народа путём изучения лексики определенного произведения, раскрытие значения лингвокультурных единиц в лингвокультурологии; освещение лексико-семантического анализа существующих лексем, определение лексико-семантических, коннотативных значений паремиологических и фразеологических единиц и их психолингвистических особенностей; составление лексикографических источников путём подготовки электронного варианта текста.

**Степень изученности проблемы.** В зарубежной лингвистике проведен ряд исследований по определению языковых и художественных особенностей узбекских народных дастнов. В частности: Л.М.Пеньковский создал полноценный художественный русский текст дастана “Алпамыш”; на основе этого перевода Ян Комаровский опубликовал эту поэму в издательстве “Млада лета” в Братиславе на словацком языке; в Германии К.Рейхл издал на

немецком языке поэмы “Алпамыш”, “Равшан”<sup>26</sup>, в фундаментальном исследовании этого ученого “Тюркский эпос”<sup>27</sup>, а также монографии “Узбекский народный героический эпос “Алпамыш” (Висбаден, 2001) анализированы история изучения дастана, его языковые и идейно-художественные особенности<sup>28</sup>; в докторской диссертации О. Ынгён раскрываются типологические особенности дастанов<sup>29</sup>.

В узбекском языкознании осуществлены исследования по изучению языка и художественности народных дастанов: в них специально исследованы лексические, лексико-семантические, функционально-стилистические особенности, сравнительно-историческое толкование, поэтический перенос и устойчивые стилистические формулы<sup>30</sup>.

Однако недостаточно исследован целый ряд научно-теоретических проблем, касающихся объекта нашего исследования, в частности, лексико-семантическое и историко-этимологическое исследование лексем в языке дастанов, лингвостатистическое исследование текста, устойчивые стилистические формулы, художественно-эстетические функции сравнения, эпитета, метафоры, метонимии, фразеологических и паремиологических единиц, а также стилистические пласты лексики дастанов сказителя и лингвопоэтическая природа неофициальных элементов речи эпического героя. До сих пор не созданы и не опубликованы лексикографические источники дастанов.

**Связь диссертационного исследования с планами научно-исследовательских работ высшего образовательного или научно-исследовательского учреждения, где выполнена диссертация.** Диссертация выполнена как составная часть научно-исследовательского плана на тему “Актуальные проблемы филологических наук и новые педагогические технологии их внедрения в практику” ДГПИ (2009-2014 гг.), а также в рамках фундаментальных научных проектов Института языка, литературы и фольклора АН РУз ФА-Ф8-034 “Принципы развития лексики и терминологии узбекского языка” (2007-2011 гг.), Ф1 – ФА- 2012-1-8 “Подготовка к изданию 100 томника “Памятники узбекского народного

<sup>26</sup> Karl Rechl. Rawsan. Ein uzbekisches mundliches Epes. Otto Harrassow itr. Wiesbade, 1985.

<sup>27</sup> Райхл Карл. Тюркский эпос. – М. Вост. литер., 2008.

<sup>28</sup> Мирзаев Т. Достонлар гултожи // Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари. 1-жилд, Алпомиш. – Тошкент: Ф.Фулом номидаги нашриёт – матбаа ижодий уйи, 2015. – Б.28.

<sup>29</sup> Ингён О. “Алпомиш” ва “Жумўнг” достонларининг қиёсий-типологик таҳлили. ДД. – Тошкент, 2014; .

<sup>30</sup> См.: Шаабдурахманов Ш. О художественных средствах языка поэмы «Равшан»: АҚД.– Т., 1949.; Турсунов С. Лексические особенности дастана «Алпамыш»: АҚД. – Ташкент, 1990; Ёрматов И.Т. Ўзбек халқ қахрамонлик эпоси бадийати: ДД. – Т., 1994; Мирзаева С. Ўзбек халқ романик достонлари поэтикаси: ДД. – Т., 2004.; Юлдашева С.Н. Поэтика узбекского народного героического эпоса «Алпамыш»: АҚД. – Т., 1984; Холманова З. «Шайбонийхон» достони лексикаси (Пўлкан шоир варианты асосида): НДА. – Т., 1998; Болтаева И. Ўзбек халқ достонларида эпитет табиати. НДА. - Т, 2000. – 25 б.; Холмуротова Ж. Шимолий Хоразм достонлари лексикасининг функционал-услугий хусусиятлари: НД. – Т., 2000; Рўзимбоев Х.С. Жанубий Хоразм достонлари тилининг луғавий-маъновий таҳлили (“Шаҳриёр” ва “Маликаи Завриё” достонлари мисолида) НДА. – Т., 2000. – 25 б.; Раҳимов А.С. Ўзбек халқ достонлари лексикасининг қиёсий-тарихий таҳлили (Эргаш Жуманбулбул ўғли ижоди мисолида): НДА. – Самарқанд, 2002; Тошматов Х.Қ. Ўзбек халқ достонларида поэтик кўчимлар: НДА. – Т., 2002; Махмадиев Ш.С. Ўзбек халқ достонлари тилида стилистик формулалар: НД. – Т., 2007; Халиков А.А. “Гўрўғлининг туғилиши” достони тилининг лексик-семантик хусусиятлари: НДА. – Т., 2009 ва бошқалар.

творчества” и проблемы его текстологического изучения” (2012-2016 гг.), Навоийского государственного педагогического института Ф1–ХТ–О–19919 “Узбекская мифология и её роль в развитии художественного мышления” (2012-2016 гг.).

**Цель исследования** - определение функционально-семантических, этимологических и лингвостатистических особенностей лексем языка дастанов, раскрытие мастерства сказителя на основе обоснования художественно-эстетических функций лингвокультурологических единиц.

**Задачи исследования:**

проведение функционально-семантического и этимологического анализа лексики дастанов на основе историко-лингвистических факторов;

создание словника, выражающего историко-лексические пласты, алфавитных, частотных, обратных и толковых словарей путём подготовки электронных текстов дастанов, на основе этого определение лексико-семантических особенностей лексем;

проведение статистического анализа фонетического, лексико-грамматического строения текста дастанов;

обоснование структурно-поэтических особенностей устойчивых стилистических формул языка дастанов, разработка семантико-коннотативного анализа фразеологизмов;

путём освещения семантической природы лексико-пластических пластов языка дастанов оценка их роли в словарном богатстве сказителя; проведение лингвопоэтического анализа неофициальных элементов речи (бранных, оскорбляющих слов) в языке дастанов;

определение отношения поэта к традиционизму путем освещения структурно-семантических и поэтических особенностей сравнений в языке дастанов;

обоснование лингвистико-поэтической и художественно-эстетической задач эпитетов языка дастанов; раскрытие лингвопоэтической природы таких лингвокультурных единиц, как метафора, метонимия и паремиялогия;

обоснование лингвопоэтических возможностей и художественно-эстетических задач искусства рифмы в прозе и повторяющихся единиц.

**Объект исследования** выбраны поэмы «Балогардон», «Бахром и Гуландом», «Зевархон», «Лейли и Меджнун», «Малика айёр», «Нурали», «Рустамхон», «Фарход и Ширин», «Ширин и Шакар», исполненные Фазилом Юлдашем оглы и изданные в 1985-1989 гг. в издательстве литературы и искусства имени Гафура Гуляма.

**Предмет исследования.** Язык и художественность, лингвостатистический анализ лексических пластов, раскрытие лингвопоэтики лингвокультурных единиц.

**Методы исследования.** При освещении темы диссертации использованы методы описания, классификации, сравнения, выбора, метод компонентного и контекстуального анализа, лингвокультурологический, математико-статистический методы исследования.

**Научная новизна исследования** заключается в следующем:

раскрыты историко-этимологические и функционально-семантические особенности лексем в языке дастанов;

на основе электронного текста дастанов составлены его лексикографические источники (словник, алфавитный, частотный, обратный и толковый словари);

уточнена частота использования единиц фонетической, лексико-грамматической композиции текста дастана;

определены структурно-поэтическая природа устойчивых стилистических формул путём осуществления лингвопоэтического анализа лексики дастанов и семантические особенности лексико-стилистических пластов; кроме того, проведен структурно-семантический и коннотативный анализ фразеологизмов;

обоснованы языковые и лингвопоэтические возможности неофициальных элементов речи (проклинание, брань, ругань) в речи эпических героев, повторяющихся единиц и рифмы в прозе;

определены структурно-семантическая и поэтическая природа сравнений в языке дастанов, лингвопоэтические возможности эпитета, метафоры, метонимии и паремнологических единиц, раскрыта их художественно-эстетическая значимость.

**Практические результаты исследования** заключается в следующем:

